СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ СЎНМАС ҚАҲРАМОНЛИГИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 107 (17.687). • 9 май 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

Суратда: суҳбат пайти. (ТАСС—ЎзТАГ телефотоси).

ҒАЛАБА—ҚАҲРАМОННИНГ ЖАСОРАТИ, ХАЛҚ—ҚАҲРАМОННИНГ НОМИ

XXXV ЙИЛ

Улуғ Ғалабанинг 35 йиллиги... Ҳаёт-мамот жангида ўз Ватани озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга кўп мамлакатларни гитлеризм қуллигидан, вабо даҳшатидан халос ҳам қилган совет халқининг жасорати мангу яшайди. Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба совет тузумининг енгилмаслигини, совет кишиларининг маънавий-сиёсий бирлигини, уларнинг социалистик Ватанга, Коммунистик партияга астойдил садоқатини бутун дунёга яққол намойиш этди.

Бу байрам биз учун ҳам қувончли, ҳам аламлидир. Совет халқи ғалабага осонликча эришмади — уруш йигирма миллион кишининг ёстиғини қуритди. Мамлакатдаги ҳар бир оила урушда қурбон бўлган ўз азизларини гам-ғусса билан эсга олади. Халқ озодлиги ва бахт-саодати йўлида ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг шуҳрати тилларда достон бўлган.

Шонли Ғалабанинг ўттиз беш йиллигига бағишланиб 8 май куни Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залига Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар урушининг актив қатнашчилари, партия ва меҳнат ветеранлари, қатор-қатор жанговар шуҳрат нишонларини кўксига тақиб олган фронтчилар, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Шуҳрат ордени нинг тўла кавалерлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Совет Армиясининг генерал ва офицерлари келдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси И. Б. Усмонхўжаев очади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Мудофаа кенгашининг Раиси, Совет Иттифоқи Маршали Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланади.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Ю. П. Максимов доклад қилди.

Докладчи ва йиғилишда сўзга чиққан партия ветерани А. Х. Ҳотамов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ж. Тўраев, Шуҳрат ордени нинг тўла кавалери И. Т. Егоров совет халқи ва Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси жаҳоншумул тарихий аҳамиятини таъкидладилар. Бу уруш Ватанимиз бошидан кечирган ҳамма урушлар орасида энг оғири бўлди, унинг ҳамма кучлари учун қаттиқ синов, Совет давлатининг мустаҳкамлиги учун имтиҳони бўлди. Улуғ Ватан уруши фронтларида туркистончи жангчилар ҳам фидокорона жанг қилиб, душман устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан урушининг якунлари дунёда социализмни енга оладиган, қардош халқларнинг ягона оиласига жипслашган совет кишиларини тиз чўктира оладиган куч йўқ эканини кўрсатди, деб таъкидлашди нотиқлар. Бу якунлар сергакликка даъват қилади. Сўнгги ойлар ва кунларнинг воқеалари халқаро вазият кескинлашганлигидан дарак беради. Мана шундай шароитда совет халқидан ва унинг Қуролли Кучларидан империалистлар ва уларнинг гумашталари бошлаб юбориши мумкин бўлган ҳар қандай агрессияга муносиб зарба беришга тайёрликни ошириш талаб қилинади. Мамлакатнинг жанубий чегараларини пухта ҳимоя қилаётган Туркистон округининг жангчилари жанговар қудратни муттасил мустаҳкамламоқдалар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов минбарга чиқди.

Азиз ўртоқлар, дейди у, шу залга тўпланган кишиларни, республикамизнинг барча меҳнаткашларини, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчиларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг топшириғига биноан улуғ Ғалаба байрами билан чин кўнгилдан табриклашга ижозат бергайсизлар.

«Улуғ Ватан уруши жангларида ғалаба киритилган ғалаба, — деб уқтирди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — қаҳрамон ишчилар синфимизнинг, колхозчи деҳқонларимизнинг, зиёлиларимизнинг ғалабасидир, бутун кўп миллатли совет халқининг ғалабасидир. Бу ғалаба шонли Совет Армиясининг, революция юзага келтирган, партия тарбиялаб вояга етказган, халқ билан чамбарчас боғланган армиянинг ғалабасидир. Бу ғалаба совет ҳарбий фанининг, барча қўшин турлари жанговар маҳоратининг, халқ орасидан етишиб чиққан совет саркардалари санъатининг ғалабасидир».

Бугунги учрашув шонли даврда, совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният гениал В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини тантанали нишондаган бир пайтда ўтмоқда. XX асрнинг ҳамма буюк революцион воқеалари партиямиз билан давлатимизнинг асосчиси, меҳнаткашларнинг улуғ йўлбошчиси ва устози номи билан боғланган. Ленининг иши, унинг таълимоти миллионмиллион маздлумлар ва эксплуатация қилинувчилар учун, барча меҳнаткашлар учун дунёни социал жиҳатдан янгилаш рамзи, даврининг революцион байроғи бўлиб қолди.

Ленин партияси душманга зарба беришнинг ҳақиқий илҳомчиси, совет халқи ва унинг Қуролли Кучларининг фашизмга қарши жангдаги ғалабасининг ташкилотчиси бўлди. Коммунистик партиянинг даъватига биноан, унинг раҳбарлигида бутун мамлакат битта жанговар лагерга айланди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» деган партия шиори улуғ халқимиз турмушининг қонуни бўлиб қолди. СССРдаги барча миллат ва элат намояндалари ўз Ватанини ҳимоя қилишга отландилар.

Душманни тор-мор этишга мамлакатимизнинг барча халқлари билан бирга Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Республикада тузилган бир қанча дивизиялар, бригадалар ва бошқа ҳарбий қисмлар шонли жанговар йўлни босиб ўтдилар. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг юз минглаб ўғлонлари жонажон диёрни фашист босқинчиларидан қўлга қурол олиб ҳимоя қилиш учун фронтга жўнаб кетдилар. Республика партия ташкилоти ўзининг энг яхши кучларини жангчилар, сиёсий ходимлар ва командирлар сифатида ҳимоячилар сафига юборди. Улар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, область, шаҳар ва район партия комитетларининг аъзолари, Олий Совет депутатлари бор эди.

Ўрта Осиёдаги бошқа республикалар қатори Ўзбекистон ҳам уруш йилларида Совет Армиясининг орқа томонидаги муҳим база ва аслахахона бўлиб қолди. Республика саноати ҳарбий изга ўтказилганлиги, кўчириб келтирилган корхоналар ишга туширилганлиги туфайли қисқа муддат ичида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон фронтга самолётлар, авиация моторлари, минометлар ва миналар, снарядлар, бомбалар, парашютлар ва бошқа мудофаа маҳсулотини етказиб бериб турди.

Республика аҳолиси фронт ёқаси районларидан кўчириб келтирилган юз минглаб гражданларни қабул этиш соҳасида катта ғамхўрлик қилди. Улар меҳмондўстлик билан кутиб олинди, янги жойларга ўрнаштирилди ва уларнинг иш бошлаб юборишларига ёрдам берилди. Ўзбек халқи фашистлар бомбардимонларининг даҳшатларини кўрган, ота-онасидан маҳрум бўлган етим болаларни айниқса сидқидил самимият билан астойдил эркалаб, оилажаноблик билан қабул қилди ва улардан ўз меҳрибонлигини аямади.

Ўзбекистоннинг шавкатли ўғлонлари Совет Армиясининг барча жангчилари билан бирга мардлик, матонат, оммавий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Республиканинг 120 мингдан ортиқ ўғил ва қизи жангчилардаги жасоратлари учун СССР орден ва медаллари билан мукофотланди, улардан 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Бизнинг Германия фашизми устидан қозонган улуғ Ғалабамиз ҳақли равишда шундай воқеалар жумласига кирадики, замон ўтиши билан уларнинг улуғворлиги тобора яққол ва сезиларли бўлиб бораверади. Асрлар ўтар, аммо совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари кўрсатган баҳодирона жасорат ҳозирги ва келажак авлодлар хотирасида абадий яшайверади.

Германия фашизми, сўнгра эса Япония милитаризми ҳам тор-мор этилганлиги кўпгина халқларнинг турмушида чуқур из қолдирди, дунёнинг қиёфасини ўзгартирди. Ўнлаб мамлакатлар фашистлар зулмидан озод қилинди, улар ўз мустақиллигини тиклаб олди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди. Бизнинг ғалабамиз миллий озодлик курашининг қудратли равишда юксалишига, империализм мустамлакачилик системасининг барбод бўлишига ёрдам берди.

Урушдан кейинги йилларда Советлар мамлакати Ленин партияси раҳнамолигида иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий тараққиётнинг олдинги марраларига чиқиб олди. Совет халқи жуда қисқа тарихий муддатда ривожланган социалистик жамият қурди ва ҳозир комил ишонч билан коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтирмоқда.

Ҳозир совет жамиятининг бутун ривожи КПСС XXV съезди ғояларининг тобора кучли таъсири остида зўрайиб бормоқда. Бу ҳол халқимизни янги зафарларга руҳлантирмоқда. Совет кишилари ғалаба байрамини умидворлик билан, келажакка ишонч билан, Коммунистик партия, унинг содиқ ленинчи, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашиб кутиб олмоқдалар.

Йиғилиш аҳлининг қарсаклари остида Ш. Р. Рашидов ветеранларнинг катта бир группасига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини ва совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси 35 йиллигини нишонлаш юзасидан ўлкада Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлашдаги хизматлари учун, фашист босқинчиларга қарши жангларда кўрсатган мардлиги, жасорати ва қаҳрамонлиги учун, урушдан кейинги йиллардаги фидокорона меҳнати ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун таъсис этган ёрлиқларини топширди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Й. Р. Курбонов, М. М. Мусаханов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова иштирок этдилар. (ЎзТАГ).



Суратда: йиғилиш президиуми. А. Авазов ва Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

Югославия раҳбарлари билан учрашув

БЕЛГРАД, 7 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Югославия раҳбарлари билан учрашди.

Самимий, ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбатда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси Н. Н. Родионов, Югославия томонидан — ЮСФР Президиумининг Раиси Л. Колишевский, ЮКС Марказий Комитети Президиумига раислик қилувчи С. Дороньский, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, А. Грличков, ЮКС Марказий Комитетининг аъзоси, ЮСФР иттифоқ ташқи ишлар секретари И. Врховец иштирок этдилар.

Л. И. Брежнев И. Броз Титонинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб бундай деди: «Ўртоқ Тито ҳаётдан кўз юмганини тасаввур қилиш шахсан мен учун қийин ва аламлидир. Менинг у билан муносабатим азалдан яхши бўлиб келган. Мен буни жуда қадрлайман».

Л. И. Брежнев И. Броз Тито билан бўлган учрашувлар чоғида жуда муҳим Совет—Югославия қўшма ҳужжатлари қабул қилинганини, бу ҳужжатлар ҳозир ҳам Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликнинг пухта негизи бўлиб хизмат қилаётганини уқтириб ўтди. Совет раҳбарлари, деди сўзини давом эттириб Л. И. Брежнев, Совет—Югославия муносабатларида ҳамиша ҳамжиҳатлик ва ишонч муҳити, самимият, мутлақ тенг ҳуқуқлилик ҳукм суришини хоҳлайдилар. Совет Иттифоқи Югославия халқларининг содиқ ва ишончли дўсти эканидан кўп йиллик камчилик далолат бериб турибди. Совет кишилари қардош Югославияни бирлашган, жипслашган, муваффақиятли равишда социализм қураётган, гуллаб-яшнаб борувчи мамлакат сифатида кўришни ҳамиша хоҳлаганлар ва ҳозир ҳам хоҳлайдилар.

Югославия раҳбарлари Югославия билан СССР ўртасида ҳам давлат йўли билан, ҳам партия йўли билан барча соҳаларда қилинаётган ҳамкорликни юксак баҳоладилар.

Иккала томон КПСС билан ЮКС ўртасидаги, СССР билан ЮСФР ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга аҳд қилганликларини билдирдилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ БЕЛГРАДДА БЎЛИШИ

БЕЛГРАД, 8 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги партия-давлат делегацияси, кеча хабар қилинганидек, Белградга келди.

Шу куни ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси Иосип Броз Тито жасади солинган тобут қўйилган ЮСФР скупштинасига борди.

Делегация гулчамбар қўйди ва марҳумнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олди. Делегация мотам таъзияси китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Қардош Югославиянинг атоқли партия ва давлат раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби — Иосип Броз Титонинг вафотига совет коммунистлари, Совет Иттифоқи халқлари оғир жудолик туйғуси билан қарайдилар. Совет кишилари уни мамлакатимизнинг дўсти, Югославия—Совет ҳамкорлигини мустаҳкамлашга кўп куч сарфлаган инсон деб билиб ҳурмат қилар эдилар.

Югославияда фашизмга қарши қаҳрамонона халқ озодлик курашга ва социалистик революция, Югославия халқларининг ягона, мустаҳкам оилага бирлашуви, Югославиянинг халқаро ишлардаги актив роли И. Броз Титонинг номи билан чамбарчас боғланган.

И. Броз Тито хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади».

Л. И. БРЕЖНЕВ КИМ ИР СЕН БИЛАН УЧРАШДИ

БЕЛГРАД, 7 май. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикаси Президенти Ким Ир Сен билан дўстона учрашуви бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев билан Ким Ир Сен Совет—Корея муносабатлари ва ҳамкорлиги масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар, иккала томонни қизиқтирувчи энг муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилдилар.

Самимий, ўртоқлик вазиятида ўтган учрашувда совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг ЮСФР даги элчиси Н. Н. Родионов, Корея томонидан — КХДР Халқ қуролли кучлари министри О Дин У, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг секретари Ким Ен Нам, КХДР ташқи ишлар министри Хо Дам қатнашдилар.

САМИМИЙ ВАЗИЯТДА

БЕЛГРАД, 8 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер билан учрашди.

Самимий, қардошларча вазиятда ўтган суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер иштирок этдилар.

Халқаро вазият, империалистик кучларнинг сиёсати ва хатти-ҳаракатлари сабаби халқаро вазият кескинлашганлиги масалалари устида гап борди. Томонлар Европада кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш, давлатлар билан халқлар ўртасида иззат-ҳурмат ва ҳамкорлик муҳитини вужудга келтириш мақсадида бутун куч-ғайратни сарфлашга қатъий аҳд қилганликларини билдирдилар.

Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллиги арафасида КПСС билан ГБСП ўртасидаги қардошларча алоқалар, Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик янада чуқурлашиб кенгайтирилгани мамнуният билан қайд этдилар, бу ҳамкорлик иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушади.

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти

ўртоқ Густав ГУСАККА

Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси

ўртоқ Любомир ШТРОУГАЛГА

Азиз ўртоқлар!

Миллий байрам — мамлакат фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 35 йиллиги муносабати билан сизларга, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ЧССР ҳукуматига ва қардош Чехословакия халқига Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, барча совет халқи номидан ва шахсан ўз номимиздан самимий табрикларимизни йўллаймиз ва энг яхши истакларимизни билдирамиз.

Бу — Совет Армияси гитлерчиларни узил-кесил тормор этганлигини ва чехлар ҳамда словакларнинг миллий озодлик кураши ниҳоясига етганлигини билдирган ғоят муҳим воқеа бўлди. Ишчилар ва демократик ҳаракат қудрати ўсганлиги, коммунистларнинг фидокорона революцион кураши натижасида туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, мамлакат социализм йўлига қадам қўйди. Ушандан бери ўтган вақт мобайнида Чехословакия халқи ўзининг синалган авангарди—Коммунистик партия раҳбарлигида ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ажойиб самараларга эришди. Эндиликда Чехословакия жаҳонда иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган давлатлардан бири, илғор социалистик маданиятга, фан, маорифга эга бўлган, халқ фаровонлиги юксак даражага эришган мамлакатдир.

Чехословакия коммунистлари, меҳнаткашлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. ЧССР Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши ишида, Варшава Шартномаси ташкилоти фаолиятида актив қатнашмоқда. Варшава Шартномаси ташкилоти чорак асрдан бери Европада тинчлик ва хавфсизлик ишига астойдил хизмат қилмоқда. Чехословакия Социалистик Республикасининг кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва принципиал ташқи сиёсати халқаро майдонда муносиб обрў қозонди.

Чехословакия озод этилганлигининг 35 йиллиги — иккинчи жаҳон уруши алангаларида, марксча-ленинча идеалларни амалга ошириш учун биргаликда олиб борилган курашда тобланган Совет — Чехословакия дўстлигининг катта байрамидир. Эндиликда халқларимиз ўртасида социалистик интернационализмнинг мустаҳкам негизида энг хилма-хил ва самарали алоқалар — партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқалар кенг миқёсда ва мустаҳкам ривожланмоқда. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида бундан 10 йил муқаддам тузилган, 1943 йилги Совет — Чехословакия Шартномасини давом эттирган Шартноманинг имзоланиши бизнинг қардош социалистик давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамжиҳатликнинг муҳим босқичи бўлди.

Азиз дўстлар, ЧКП XV съезди қарорларини бажаришда, ривожланган социалистик жамият қуришда сизларга, қардош Чехословакия Социалистик Республикаси халқига ва унинг илғор отряди — Коммунистик партиясига янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ. А. КОСИГИН.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ ТОДОР СТОЙЧЕВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Болгар — Совет дўстлигини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан БКП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, БКП Варна округ комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор Стойчев Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 8 май.

Л. И. БРЕЖНЕВ:

САМАРАЛИ ТИНЧ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРАЙЛИК

БОННН, 7 май. (ТАСС). Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ғарбий Германиядаги «Марксистише блеттер» нашриёти босиб чиқарган китоби «Тинчлик учун, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун» деб аталган. Китобга КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсатининг актуал масалаларига, СССРнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш ва қуролсизланиш йўлидаги тинимсиз курашига бағишланган нутқлари ва мақолалари киритилган.

Леонид Ильич Брежнев Ғарбий Германия китобхони учун мурожаатида қуйидагиларни ёзади:

«Марксистише блеттер» нашриёти хлиг бир тўплам қилган нутқлар ва мақолаларда кўпгина халқаро проблемаларни тилга олишимга, дунёдаги турли воқеалар ҳақида гапиришимга тўғри келади.

Урушдан кейинги йилларда ҳамма иш силлиқ бўлгани йўқ. Яқин ўтмишда ҳам ишлар бир текис борди деб бўлмайди. Бироқ, 70-йиллар кескинликни юмшатиш белгиси остида ўтганлиги энг асосий фактдир. Конфронтация сусайиб, халқаро муҳит сезиларли даражада юмшади. Бунда самарали Совет—Ғарбий Германия сиёсий мулоқоти муҳим роль ўйнади.

АҚШ билан қилган ахдлашувларга қарамай, ҳарбий устунликка эришиш йўлига қайтишга яна урина бошлаганидан кейин булутлар кескин қуюқлаша бошлади. Бу ҳам етмаганидек, Америка маъмурияти ҳар қандай баҳоналар ва фойдаланиб, ўзининг НАТОдаги шерикларини шу йўлга сўзсиз эргаштиришга уринмоқда. Бу эса аввал бўлганидек инсоннятнинг бунёдкорлик имкониятлари қурол-яроғлар ишлаб чиқаришга кўп даражада исроф қилинаверади ва бунинг оқибатида ўзаро гумонсираш кучаяверади деган маънони билдиради.

Турли ижтимоий системаларга мансуб мамлакатларга лоақал бир оз бўлса-да ишонч ҳаводек зарур. Идеологик қарашларимизда тафовут бор ва бундан буён ҳам шундай бўлиши ўз-ўзидан равшан. Аммо биз буржуа идеологиясини тан олмаслигимиз реалликлар негизида қолишимизга ва сабр-тоқат билан ҳамжиҳатлик йўлларини қидиришимизга халақит бермайди.

Шу масала хусусида ўз фикрларимни бир неча марта баён этишимга тўғри келган эди. Булар эълон қилинаётган материалларда ҳам ифода этилган. Шундай бўлса ҳам ҳозирги пайтнинг хусусиятларини эътиборга олиб, баъзи бир фикрларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчиман.

Ҳозир сиёсий кескинлик юмшатилишини мустаҳкамлаш ва уни ҳарбий кескинлик юмшатилиши билан тўлдириш зарурати, эҳтимол, авваллагига қараганда анча ўткирроқ бўлиб турибди. 80-йиллар бахтиёр ва осойишта йиллар бўлиб қолишининг калити қуролсизланишга доир кўрилаётган айни амалий тадбирлардадир. Маълумки, Совет Иттифоқи Марказий Европадаги ўзининг қуролли кучлари ва қурол-яроғларини ихтиёрий равишда бир мунча қисқартирди. Биз қуролланиш пойгасини, шу жумладан Европада қуролланиш пойгасини чеклаш проблемаларига доир ҳар қандай амалий музокаралар учун эшикни очиб қўйганмиз.

Сўнгра, биз яшаётган дунё ўзаро боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутиш жуда муҳимдир. Хоҳ Яқин Шарқда, Жанубий-Шарқий Осиёда, Африка жанубида ёки жаҳоннинг бошқа районида вужудга келган танг вазиятлар умуман халқаро муносабатларга салбий таъсир ўтказади. Шу боисдан мавжуд регионал можаролар бартараф этилишигагина эришиб қолмай, шу билан бирга, таъбир жоиз бўлса, профилактика чораларини кўриш, ана шундай янги можаролар чиқишига йўл қўймаслик ҳам муҳимдир. Ва, албатта, турли ижтимоий системаларга мансуб давлатларнинг самарали тинч ҳамкорлиги уфқларини торайтирмай, балки кенгайтириш керак. Бунинг учун 35 давлатнинг Хельсинкидаги кенгашда эришилган ахдлашувлари узоқ муддатли пухта негиз бўлди. Ўйлайманки, бу фикрларга ақл-идроққа амал қилаётган ва холис ниятли барча кишилар қўшиладилар.

Мен ГФРда икки марта бўлиб, аҳоли турли табақаларининг вакиллари билан суҳбатлашишимга тўғри келган эди. Мамлакатингиз аҳолисининг кўпчилиги СССР билан ҳамкорликни ривожлантиришдан астойдил манфаатдор эканлигини яқин этаётганлигини биламан. Мен мамлакатларимиз ўртасидаги тўлақонли соғлом муносабатларнинг тарафдорларини чин қалбимдан табриклайман.

Ҳарбий фалокат хавфидан холи бўлган яхши истиқбол ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бироқ халқлар куч-ғайратларини бирлаштириб, бир мақсад йўлида сабот-матонат билан ҳаракат қилиб, уруш ва адоват кучларини бартараф этиб, планетада мустаҳкам тинчликни қарор топтира оладилар».

Л. И. Брежнев китобининг мамлакатимизда нашр этилганлиги жуда муҳим воқеадир, чунки унда тилга олинган проблемалар тинчликни сақлаб қолишни ва кескинликни юмшатиш давом эттирилишидан манфаатдор бўлган Германия Федератив Республикаси ҳамда унинг аҳолиси учун актуал аҳамиятга эгадир, деди «Марксистише блеттер» нашриётининг бош редактори М. Шефер. Леонид Ильич Брежнев — ҳозирги замонининг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамжиҳатлик учун толмас курашчидир. Унинг шу тўпламга кирган сайланма нутқлари ва мақолалари совет ташқи сиёсатининг изчиллиги ва принципиаллигидан далолат беради. Халқларнинг тинчлиги ва бахт-саодати, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик — совет ташқи сиёсатининг олий мақсадидир.

Л. И. Брежневнинг «Тинчлик учун, кескинликни юмшатиш, қуролсизланиш учун» китоби босиб чиқарилганлиги муносабати билан бугун Бонда «Марксистише блеттер» нашриёти уюштирган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ МИСЛСИЗ ЖАСОРАТИ

XXXV ЙИЛ

Иккинчи жаҳон уруши қора булутлари тарқаб, ғалаба қуёши порлаганига 35 йил бўлди. Бу — Улуғ Ватан урушида совет халқининг герман фашизми устидан қозонган ғалабаси эди. Бу ғалаба Совет давлатининг қаҳрамонона солкомасида ёрқин бир боб бўлиб қолади.

Германия фашизми бошлаган уруш жаҳон империализми зардобр кучларининг социализмга қарши энг йирик қуролли хужуми бўлиб, у Ватанимиз, халқимиз учун энг оғир синов бўлди. Бу урушда жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг тақдири, жаҳон цивилизацияси, тараққиёт ва демократиянинг келажаги тақдир тарозисига қўйилган эди.

Бу йил буюк Ғалабанинг 35 йиллиги ишчилар, колхозчилар, зиёлилар КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, беш йилликнинг сўнгги йилини зардобрчасига якунлаш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир шароитда нишонланмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқи, В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигининг байрам қилиниши оммаонинг сиёсий ва меҳнат активлигини жўш урдириб юборди.

Ғалаба куни чинакам умумхалқ байрамидир. Шу тантанали кунда бутун мамлакатимиз барча уруш қатнашчиларини, аввало кўлига қурол олиб душманга зарба берганларни, шунингдек, мамлакат ичкарисида ғалабага замин яратганларни шарафлайди. Шу куни биз яна ўтмишга мурожаат қиламиз, тарихда мисли кўрилмаган жаҳон уруши сабоқларини эслаймиз.

Улуғ Ватан уруши биз учун ғоят ноқулай шароитда бошланди. Германия армияси сон жиҳатидан ҳам, техника жиҳатидан ҳам бизнинг армиямиздан устун бўлиб, замонавий уруш тажрибасига эга эди. Бутун Ғарбий Европанинг иқтисодий ва ҳарбий ресурслари агрессорнинг қўлида эди. Душманнинг мамлакатимизга тўсатдан бостириб киргани ҳам маълум даражада роль ўйнади.

Германия фашизми бу урушда совет тузумини йўқ қилиш, мамлакатимиз халқларини қул қилиш ва қириб ташлашни мақсад қилиб қўйган эди. Бинобарин, фашизм синфий мақсадларни кўзда тутган эди.

Германия фашизми Совет Иттифоқига хужум қилгач, ҳарбий ҳаракатлар маркази совет—герман фронтига кўчди. Германия вермахтининг асосий кучлари ана шу фронтга юборилди. Мамлакатимизга бостириб кирган армия 190 та дивизиядан иборат бўлиб, шундан 33 таси танк дивизиялари ва моторлаштирилган дивизиялар эди. Уларда 5,5 миллион солдат ва офицер, 4 мингдан ортиқ танк, 5 мингга яқин самолёт, 48 мингга яқин тўп ва миномёт бор эди.

Немис-фашист қўшинлари стратегик ташаббусни қўлга олиб, мамлакатимиз марказига бостириб кела бошлади. Гитлерчилар «яшин тезлигидаги уруш» планини амалга ошириб, Совет Қуролли Кучларини 3—4 ой ичида тор-мор қилиб ташлаш ва Совет давлатини йўқ қилиб юборишга умид боғлаган эдилар. Ватанимиз хавф остида қолди. Ана шундай оғир вазиятда Коммунистик партиянинг илҳомбахш ташкилотчилик ва раҳбарлик роли бутун улуғворлиги билан намоён бўлди. Партия душманга қарши қураршинг жанговар программасини қабул қилди. Бу программа 1941 йил 29 июндаги Директиваларда баён қилиб берилди. Партиянинг масъул ходимлари армияга сиёсий ишларга юборилди. Бутун уруш давомида ҳаракатдаги армия сафида бўлган Леонид Ильич Брежнев ана шундай сиёсий ходимларнинг бири эди. Унинг «Кичик ер» китобида коммунистларнинг урушдаги роли тўғрисида, солдат ва офицерларнинг, командир ва сиёсий ходимларнинг қаҳрамонона ишлари тўғрисида ёрқин ва ишончли ҳикоя қилинади.

Минглаб коммунистлар армия сафига сафарбар этилди. 1941 йилнинг охирида коммунистларнинг учдан икки қисми армия ва флотда эди.

Совет экономикасининг ҳарбий изга кўчирилиши партиянинг мамлакатни ягона жанговар лагерга айлантиришга қаратилган фаолиятининг муҳим томони эди. 1941 йилнинг июнь ойидан ноябрига қадар 1360 дан ортиқ йирик корхона ва ўн миллиондан ортиқ аҳоли Шарққа эвакуация қилинди.

Ленин партияси даъвати билан бутун совет халқи Ватан ҳимоясига отланди. Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет жангчилари душманга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Немис фашистлари Ғарбий Европа мамлакатларини босиб олганда ҳеч қачон бу қадар қаршиликка дуч келмаган эди. Брест қалъаси ҳимоячилари душманга таслим бўлишдан кўра қурбон бўлишни афзал кўрдилар. Одесса ва Киев, Ленинград ва Севастополь мудофааси тарихга абадий ёзиб қўйилди. Урушнинг дастлабки уч ҳафтаси ичидаёқ фашистларнинг юз мингга яқин солдат ва офицери ўлдирилди ва ярадор қилинди. Шу вақт ичида танкларнинг ярми, 1300 га яқин самолёти мажақлаб ташланди.

1941 йил ёз ва кузи давомида гитлерчиларнинг ҳарбий стратегик мақсадларини чиппакка чиқариш учун замин яратилди.

Москва остонасидаги жанглар ғалаба йўлидаги тарихий босқич, урушнинг дастлабки йилидаги ҳал қилувчи воқеага айланди. Бу ерда душманнинг 38 дивизияси мажақланди.

Олти ойдан кўпроқ давом этган Сталинград жангида душман қақшатқич зарбага учради. Совет қўшинларининг Волга бўйидаги ғалабаси жуда катта ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга эди. Бу ғалаба душманнинг умуман тор-мор келтириш, унн Ватанимиз тупроғидан қувиб чиқаришнинг бошланиши эди.

Курск ёйида совет қўшинлари душманнинг 30 га яқин дивизиясини, жумладан, 7 та танк дивизиясини тор-мор келтирди. Бу ерда немис-фашист армияси ярим миллиондан ортиқ аскаридан ажради. Гитлерчиларнинг Курск ёйидаги маглубияти Германияни ларзага солди, у урушнинг охиригача ўзини ўнглай олмади. Курск ёйидаги ажойиб ғалаба Совет Армиясининг жанговар маҳоратини, қуролли устунлигини, стратегик устунлигини бутун дунёга кўрсатди.

Қўшинларимизнинг Ленинград остоналарида ва Новгородда, Украина ва Қримда, Белоруссия ва Молдавияда, Болтиқ бўйи ва шимолда душманни тор-мор келтириш юзасидан ўтказган йирик операциялари Улуғ Ватан уруши йилномасига ёзиб қўйилган. Ана шу операциялар давомида бутун совет ерини босқинчилардан тозалаш ниҳоясига етказилди.

1945 йилда Шарқий Пруссияда, Ғарбий Польшада, Улуғ Ватан урушидаги энг улкан операция — Берлин операциясида фашист қўшинларига бериллан қақшатқич зарба Германия фашизмини бутунлай мажақлаб ташлади, уруш бошланган жойида ниҳоясига етди.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Улуғ Октябрь ғалабаларини, социалистик Ватанимиз озодлигини ҳимоя қилишгина қолмай, ўз интернационал бурчини, ҳам шараф билан бажарди. Совет жангчилари Болгария, Венгрия, Польша, Руминия ва Чехословакияни, Югославиянинг шарқий районларини, Австриянинг катта қисми, Норвегиянинг шимолий районларини фашист босқинчиларидан озод қилдилар. Совет жангчиларининг бу халоскорлик жасорати жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Кўплаб халқларнинг биргаликдаги куч-ғайрати туфайли немис-фашистлари устидан ғалаба қозонилди. Лекин гитлерчилар Германияси ва милитаристик Японияни тор-мор келтиришда бизнинг Ватанимиз ҳал қилувчи роль ўйнади, урушнинг асосий қийинчиликларини бошидан кечирди. Фашистлар коалициясининг асосий кучлари — 607 дивизия, авиациянинг тўртдан уч қисми, танклар ва артиллериянинг катта қисми худди совет—герман фронтида мажақлаб ташланди. Америка-инглиз қўшинлари эса душманнинг 176 дивизиясини яксон қилдилар ва асир олдилар. Шунч ҳам айтиш керакки, уларнинг асосий қисми урушнинг сўнгги кунларида, фашизмнинг тақдири ҳал бўлгандан сўнг асирга олинган. Германия урушда 13 миллион 600 минг кишидан ажраган бўлса, шундан 10 миллиони совет — герман фронтига тўғри келади.

Ўзининг ватанпарварлик ва интернационалистик бурчини шараф билан бажарган совет халқи буюк Ғалабанинг асосий ижодкоридир. Бизнинг ғалабамиз Октябрь туфайли дунёга келган янги ижтимоий ва давлат тузумининг, социалистик экономиканинг, марксизм-ленинизм идеологиясининг, совет жамияти маънавий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари дўстлигининг ғалабаси эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари жангномага шонли саҳифалар ёздилар. Улар фронтда душманга қарши мардона жанг қилдилар. Мамлакат ичкарисида фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Ўзбекистонлик 280 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жангчилари ҳам фашизмга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ғалабамизнинг асосий манбаи бўлди. Коммунистик партия ўша даврда чинакам жанг қилувчи партияга айланди. Масалан, урушнинг охирида партия составининг 60 проценти ҳаракатдаги армия сафида эди.

1945 йилда империализмнинг зардобр кучлари устидан қозонилган ғалаба жаҳондаги барча социал жараёнларга, бутун халқаро ҳаётга жуда катта таъсир ўтказди ва ўтказмоқда.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш планларининг амалга оширилиши тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съезди белгилаб берган тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бунинг натижасида 70-йилларда катта ижобий силжишлар рўй берди. Бироқ, агрессив империалистик доиралар кескинликни юмшатиш жараёнига тобора кўпроқ қаршилик кўрсатмоқдалар. Бу соҳада АҚШнинг ҳозирги маъмурияти асосий ташаббускор бўлиб майдонга чиқмоқда. АҚШ ҳукумати Афғонистонга қарши агрессияни йўналтирмоқда. Пекин раҳбарлари ҳам АҚШнинг бу сиёсатига қўшилиб иш тутмоқда.

Ана шундай шароитда Коммунистик партия, Совет ҳукумати Совет Иттифоқининг мудофаа қобилияти тўғрисида, Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилаётгани ўз-ўзидан тушунарлидир.

Совет кишилари 35 йилдан буён тинчлик шароитида яшамоқдалар. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг улуғворлиги йиллар ўтиши билан тобора кўпроқ намоён бўлмоқда, бу ғалабамизнинг аҳамияти янада равшанроқ бўлиб бормоқда.

Генерал-майор А. В. РАШЧУПКИН.

КОСМОСДА БИР ОЙ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 8 май. (ТАСС). Космонавтлар Леонид Попов билан Валерий Рюмининг орбита бўйлаб биринчи ой учишлари тугамоқда.

Бугун илмий-тадқиқот комплексининг ичида медицина текширувлари бўлмоқда. Бу текширувлар экипаж соғлиғининг аҳволини ва иш қобилиятини аниқлаш ҳамда прогноз қилиш мақсадида доимо ўтказилиб туради. Тамомила осойишталик шароитларида қон айланиш динамикаси тадқиқ этилди. Бу нарса вазнсизлик шароитларига мослашиш жараёнида организм ўзгаришларини аниқлашга имкон беради. Сўнгра «Полином-2М», «Реограф» ва «Бета» қайд этувчи аппаратларидан фойдаланган ҳолда космонавтларнинг юрак-қон томир системаси велоэргометрда дозаланган жисмоний нагрузка билан машқлар бажарилаётганда текшириб кўрилди.

Космик материалшуносликка бағишланган экспериментлар давом эттирилмоқда.

Экипаж ҳар куни табиий ресурсларни тадқиқ этиш ва атроф муҳитни ўрганиш мақсадларида ер юзини визуал кузатмоқда ва съёмка қилмоқда. Космонавтлар геологларнинг топшириқларига биноан Каспий бўйи, марказий Қозоғистон, Сибирнинг жанубий, БАМнинг шарқий қисми районларини ўрганмоқдалар. Олинган жуда кўп маълумотлардан мамлакат ер фондини картографиялаш вазифаларини ҳал этишда ҳамда деҳқончилик ерларнинг аҳволини аниқлашда қишлоқ хўжалигининг манфаатлари йўлида фойдаланилади.

«Салют-6» илмий станцияси бугун Москва вақти билан соат 8 да ер теварагида 15 минг марта айланиб учди. Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, станция ҳамда «Союз-35» ва «Прогресс-9» кемалари ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Леонид Попов билан Валерий Рюмининг соғлиғи яхши ва улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УРУШ ВЕТЕРАНЛАРИ СОВЕТ КОМИТЕТИ ТОШКЕНТ СЕКЦИЯСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш соҳасидаги актив ишлари учун ҳамда совет халқи 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 35 йиллиги муносабати билан **Уруш ветеранлари Совет комитетининг Тошкент секцияси** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1980 йил. 8 май.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Актив ва самарали ишлари, меҳнаткашларни ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш ишидаги хизматлари учун ҳамда совет халқи 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 35 йиллиги муносабати билан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларига биноан **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими** фахрий унвонига сазовор бўлди, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ТЕЗ ВА СОЗ ЭКИНГ!

Республика колхоз ва совхозларида дон учун маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 8 майга бўлган МАЛЪУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда, учинчи устун — мавсум бошидан бўён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

БУХОРО	—	100,6
ҚАШҚАДАРЁ	—	100,0
СУРХОНДАРЁ	—	100,0
ТОШКЕНТ	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
САМАРҚАНД	—	100,0
Сирдарё	—	98,6
Фарғона	—	93,5
Андижон	—	87,2
Жиззах	—	70,9
ҚҚАССР	3,0	60,3
Хоразм	1,5	59,2
Республика бўйича:	0,4	89,2

Республика областларида шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 8 майга бўлган МАЛЪУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда; учинчи устун — мавсум бошидан бўён (планга нисбатан процент ҳисобида).

СУРХОНДАРЁ	—	100,0
НАМАНГАН	—	100,0
Сирдарё	2,6	92,3
Тошкент	5,9	76,4
Хоразм	7,7	45,7
Андижон	2,0	31,5
ҚҚАССР	3,4	18,4
Республика бўйича:	4,1	38,6

ДЎСТОНА СУҲБАТ

БЕЛГРАД, 8 май. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бугун Ҳиндистон Бош министри Индира Гандини қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико иштирок этди.

Турли соҳаларда Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигига оид бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олинди. Бу ҳамкорлик миқёслари тобора ўсмоқда. Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорлик доирасининг кенгайтирилаётганлиги Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади, деган фикрга қўшилдилар.

Энг муҳим халқаро проблемаларни муҳокама қилиш чоғида шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кескинлик юмшатилишини ва тинчликни мустаҳкамлашга оид бош масалалар хусусида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистоннинг позициялари бир-бирига ўхшаш ва улар ўртасидаги ҳамкорлик ер курраснинг катта қисмида ҳамда бутун дунёда барқарорлик ва яхши қўшничиликни вужудга келтиришга кўмаклашмоқда.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда, ҳамжиҳатлик ва якдиллик руҳида ўтди.

Л. И. Брежнев Ҳиндистон Бош министри Индира Гандини расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисидаги таклифни яна таъкидлади. И. Ганди ҳам Л. И. Брежневни расмий визит билан Ҳиндистонга келишга таклиф этди.

«РАҲМАТ, ҲЕЛИМ!»

(1943 йилда олинган сурат). ТАСС фотохроникаси.

СЕН ЎЛГАН ЭМАССАН

(Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ислом Усмонов хотирасига)

Сўзлай дедим, лол бўлди тилим,
Ёзай десам, ожиздир қалам.
Ҳайкалингга термуламан жим,
Сенга таъзим қилурман бу дам...
Оғир дамда, қаттиқ синовда
Ўйламадинг таслим бўлишни.
Қолсанг ҳамки танҳо, қуршовда.
Ор деб билдинг бўйин эгишни.
Душман сари шердек отилдинг
Қанчалар ёв тутдек тўкилди.
Фақат, ҳайҳот, сен ҳам йиқилдинг,
Ерни қучдинг, қаддинг букилди.
Ҳайкалингга боқаман унсиз,
Жилмаяди қирмизи лабинг.
Юртим деб жон берган у кез,
Бунча ҳам пок экан ёш қалбинг.
Енгинамда тургандек ўзинг
Ҳайкалингга қиламан таъзим.
Улмагансан, мангу яшайсан
Сафимизда ҳам қалбда доим.

Жамила ХАРАСОВА.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1980 ЙИЛ 9 МАЙ **№ 125** **МОСКВА ШАҲРИ.**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапорщик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флотнинг ветеранлари, Улуғ Ватан урушида қатнашган ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун тараққийпарвар инсоннят фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 35 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида сўнмас жасорат кўрсатиб, гитлерчилар Германиясини, сўнгра эса милитаристлар Японияни ҳам қақшатқич маглубиятга учратдилар. Уруш йилларида совет кишилари фронтда ва мамлакат ичкарисида мислсиз матонат, ғалабага бўлган буюклиқ ирода, оммавий қаҳрамонлик, ўз социалистик Ватанига астойдил муҳаббат туйғуларини намоён этдилар, жаҳон империализмининг зардобр кучларини тор-мор этишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан урушидаги тарихий ғалаба социализм кучларининг ёрқин ифодаси, совет ижтимоий ва давлат тузумининг, социалистик экономиканинг буюк афзалликларини, ҳаётийлигини ва енгилмаслигини, марксча-ленинча идеологиянинг тантанасини, совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлигини ва СССР халқларининг дўстлигини кўрсатувчи яққол намойиш бўлди.

Совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси бутун инсониятнинг тақдирига жуда катта революционлаштирувчи таъсир ўтказди. Бу ғалаба Европа халқларини гитлерчилар қуллигидан озод қилди, социализм кучларинин ўсишига, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатининг қудратли равишда юксалишига, империализм мустамлакачилик системасини барбод этишга кўмаклашди.

Коммунистик партия раҳбарлигидаги халқимиз урушдан кейинги йилларда иқтисодий, сиёсий ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида буюк муваффақиятларга эришдик. Ғалабанинг ўттиз беш йиллигига шонли Ленин юбилейи нур сочиб турибди. Ленин ғояларн ва васиятлари барча совет кишилари учун коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда битмас-туганмас ижодий ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиб келди ва ҳамиша хизмат қилаверади. Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби Қуролли Кучларнинг жангчилари ҳам ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилини партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми тарихий қарорларини бажаришда янги муваффақиятлар билан нишонлашга аҳд қилганлар.

Коммунистик партия билан Совет давлати Тинчлик программасини амалга ошириш учун сабот билан изчил курашиб келмоқдалар, кескинликни юмшатиш халқаро муносабатларда етакчи тенденция бўлиб қолиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар.

Бироқ, империализмнинг урушқоқ доиралари дунёда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларга қандай қилиб бўлмасин халақит беришга интилиб, агрессив кирдикорларини кучайтирмоқдалар, қуролланиш пойгасини авж олдирмоқдалар, жаҳон майдонидаги кучлар нисбатини ўз фойдаларига ўзгартиришга уринмоқдалар. Тинчлик ва социализм ишига душманликдан иборат буюк давлатчилик, гегемончилик сиёсатини ўтказаётган Хитой раҳбарлари империализмнинг бевосита гумаштаси бўлиб ҳаракат қилмоқдалар.

Империалистларнинг ўзаро қиёслашларига нисбатан юксак даражада сергак бўлиб турган Коммунистик партия билан Совет ҳукумати, бутун совет халқи Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини, унинг Қуролли Кучларн жанговар қудратини мустаҳкамлаш, тўғрисида ҳар май-тоймай ғамхўрлик қилмоқдалар.

Қаҳрамонлик анъаналарига садоқатли совет жангчилари ўзларининг ҳарбий маҳоратларини сабот билан такомиллаштирмоқдалар, жанговар шайлигини оширмоқдалар, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамламоқдалар. Улар Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси тевараги атрофида жипслашиб, Советлар мамлакатининг муқаддас чегараларини қатъият билан ҳимоя қилмоқдалар, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг армиялари билан бир сафда турибдар. Совет жангчилари Болгария, Венгрия, Польша, Руминия ва Чехословакияни, Югославиянинг шарқий районларини, Австриянинг катта қисми, Норвегиянинг шимолий районларини фашист босқинчиларидан озод қилдилар. Совет жангчиларининг бу халоскорлик жасорати жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Кўплаб халқларнинг биргаликдаги куч-ғайрати туфайли немис-фашистлари устидан ғалаба қозонилди. Лекин гитлерчилар Германияси ва милитаристик Японияни тор-мор келтиришда бизнинг Ватанимиз ҳал қилувчи роль ўйнади, урушнинг асосий қийинчиликларини бошидан кечирди. Фашистлар коалициясининг асосий кучлари — 607 дивизия, авиациянинг тўртдан уч қисми, танклар ва артиллериянинг катта қисми худди совет—герман фронтида мажақлаб ташланди. Америка-инглиз қўшинлари эса душманнинг 176 дивизиясини яксон қилдилар ва асир олдилар. Шунч ҳам айтиш керакки, уларнинг асосий қисми урушнинг сўнгги кунларида, фашизмнинг тақдири ҳал бўлгандан сўнг асирга олинган. Германия урушда 13 миллион 600 минг кишидан ажраган бўлса, шундан 10 миллиони совет — герман фронтига тўғри келади.

Ўзининг ватанпарварлик ва интернационалистик бурчини шараф билан бажарган совет халқи буюк Ғалабанинг асосий ижодкоридир. Бизнинг ғалабамиз Октябрь туфайли дунёга келган янги ижтимоий ва давлат тузумининг, социалистик экономиканинг, марксизм-ленинизм идеологиясининг, совет жамияти маънавий-сиёсий бирлигининг, СССР халқлари дўстлигининг ғалабаси эди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари жангномага шонли саҳифалар ёздилар. Улар фронтда душманга қарши мардона жанг қилдилар. Мамлакат ичкарисида фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Ўзбекистонлик 280 жангчига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи жангчилари ҳам фашизмга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги ғалабамизнинг асосий манбаи бўлди. Коммунистик партия ўша даврда чинакам жанг қилувчи партияга айланди. Масалан, урушнинг охирида партия составининг 60 проценти ҳаракатдаги армия сафида эди.

1945 йилда империализмнинг зардобр кучлари устидан қозонилган ғалаба жаҳондаги барча социал жараёнларга, бутун халқаро ҳаётга жуда катта таъсир ўтказди ва ўтказмоқда.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш планларининг амалга оширилиши тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съезди белгилаб берган тинчликсевар ташқи сиёсий йўлни изчиллик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бунинг натижасида 70-йилларда катта ижобий силжишлар рўй берди. Бироқ, агрессив империалистик доиралар кескинликни юмшатиш жараёнига тобора кўпроқ қаршилик кўрсатмоқдалар. Бу соҳада АҚШнинг ҳозирги маъмурияти асосий ташаббускор бўлиб майдонга чиқмоқда. АҚШ ҳукумати Афғонистонга қарши агрессияни йўналтирмоқда. Пекин раҳбарлари ҳам АҚШнинг бу сиёсатига қўшилиб иш тутмоқда.

Ана шундай шароитда Коммунистик партия, Совет ҳукумати Совет Иттифоқининг мудофаа қобилияти тўғрисида, Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлаш тўғрисида мунтазам ғамхўрлик қилаётгани ўз-ўзидан тушунарлидир.

**Совет кишилари 35 йилдан буён тинчлик шароитида яшамоқдалар. Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг улуғворлиги йиллар ўтиши билан тобора кўпроқ намоён бўлмоқда, бу ғалабамизнинг аҳамияти янада равшанроқ бў

ШОНЛИ ЙЎЛ МАРРАЛАРИ

7 май куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида тантанали равишда очилган тематик кўргазма «35 йиллик тинч меҳнат» деб аталади.

Экспозициянинг биринчи бўлими ўзбекистонлик жангчиларга бағишланган. 280 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 32 киши Шуҳрат орденининг тўла кавалерлари. Ўзбекистон мамлакатнинг ғарбий областларидан кўчириб келтирилган миллион нафардан кўп совет кишиларини қабул қилиб олган.

Республикада 35 йил тинчлик шароитида саноатнинг янги тармоқлари ривожланди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ғоят юксалиши таъминланди, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси бекиёс ўсди.

Экспонатлар Ўзбекистон пахтакорлари ва металлургларининг, қурувчилари ва тўқимачиларининг, темирйўлчилари ва машинасозларининг эришган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилади. Фотосуратлар, диаграммалар республика меҳнаткашлари эришган ютуқларни яққол кўрсатиб турибди. Кўргазманинг махсус бўлими Уруш ветеранлари совет комитети Тошкент секциясининг ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлари тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Каттақўрғондаги 2518-автоколонна территориясида Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган автомобилчи-жангчилар хотирасига ёдгорлик очилди.
Суратда: ёдгорлик комплексининг умумий кўриниши ва Улуғ Ватан уруши ветеранларидан бир группаси.

Р. Ғафуров фотоси. (ЎзТАГ).

ХАЛОСКОРЛИК

Улуғ Ватан уруши... Бу сўзлар ҳамиша солдат хотирасини уйғотади. Мен учун уруш қирқ биринчи йилда бошланиб, тўрт йилдан сўнг Берлиндан 40 километр узоқ ликдаги Финовфурт деган немис шаҳарчасига олиб келди. Шонли армиямиз Германия ерига кириб келган ўша январь кунларини унутмайман. Бу кунни мен Москва остонасида, Украина ва Белоруссияда, Польша тупроғида жанглар оралиғидаги қисқа муддатли тинчлик дақиқаларида орзу қилардим. Совет солдатлари орзу қилган қувончли ғалаба байрами келди ва у қалбимизда абадий қолди. 1945 йил ғалаба баҳорида мени Финовфурт шаҳри комендантлигига тайинлаганларини эшласам, яна қирқ биринчи йил ёдимга тушади.

Фронт билан мамлакат ичкариси мушт бўлиб жипслашди. Мамлакат ягона жанговар лагерга айланди. Армия ва флот жангчилари, шаҳар ва қишлоқлар меҳнатчилари, партизанлар ва подпольечилар кўкракларини қалқон қилиб, душман йўлини тўсдилар.

Партия ва халқнинг мислсиз жасорати тўрт йил давом этди, нур ва зулмат ўртаси 1418 кун тинимсиз кураш бўлди. Халқимиз фашизм бошлаган урушнинг азоб-уқубатларига бардош берди. Жон берибо, жон олди. Мисли кўрилмаган жанг майдонларидан олов ичра ўтиб, ғалабага етиб келди. Гитлерчиларнинг даҳшатли ҳарбий машинасини бошқа ҳеч бир давлат мажақлаб ташлай олмас эди.

Фашизм зулми остида эзилган Европа Совет қўшинларини халоскорим деб кутиб олди. Немис чегарасини ўтганимиз ҳамоё эсимда. Йўл четида фанерга «Мана ўша фашистлар Германияси» деб ёзиб қўйишган экан. Фашистлар қул қилиш учун ҳайдаб келтирган турли миллатдан бўлган кишилар бизни кўзларида ёш билан кутиб олишди. Бу қувонч кўз ёшлари, қулликдан халос бўлиш қувончи кўз ёшлари эди. Озод этилган Европа бизни миллий байроқлар билан кутиб олар, аломон жангчиларимиз устига ёпирилиб келиб, «Яшасин, руслар! Яшасин Қизил Армия!» деб бақирар ва солдатларни қучоқларди.

Мен урушнинг дастлабки кунларидаёқ ҳамма уқубатларини кўрганман. Ўлимни ҳам, қонни ҳам кўрдим. Гитлерчилар бутун аҳолиси билан қириб ташлаган Салтаново қишлоғини, вайронага айланган Минск, Варшава шаҳарларини кўрганман. Аммо ҳаммасига бардош берган солдат қалби Совет Армиясини Европа қандай озодлиги йўлида жон фидо қилган ва улар ҳорижий мамлакатлар ерига дафн этилган. Улар ва Ватанимиз учун ҳалок бўлган бошқа жангчилар ғалаба кунигачаё яшай олмадилар. Лекин биз, тириклар, улардан абадий қарздормиз. Уларнинг хотираси олдида бош эгинглар, азизлар!

16-армия қисмлари апрель тонгида Финовфурт шаҳрига кириб келди. Биноларга оқ чойшаблар, сочиқлар, оқ матолар осиб қўйилган. Улар капитуляция тимсоли. Гитлер пропагандасига учган аҳоли шаҳрни ташлаб чиқиб кетган. Уйлар ҳамон ёнмоқда, тутун бурқсийди. Юз кутиб олаётганини кўрганда бирдан жизиллаб кетди, кўз ёшини тия олмади. Ўша дақиқаларни мен ҳамон ҳаяжонланмай эслолмайман.

Худди шу иккинчи жаҳон уруши йилларида совет солдати Европа ерига халоскор ва гуманист сифатида кириб келганига бутун дунё халқлари ишонч ҳосил қилди. Варшава ва Прагада, Белград ва Бухарестда, София ва Будапештда, Европадаги ўнлаб, юзлаб кичик ва катта шаҳарларда ва ниҳоят Берлинда халоскор Совет Армияси шарафига ўрнатилган ёдгорликлар ва монументлар ана шундан далолат бериб турибди. Улар ғалабамизнинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини таъкидлаб турибди.

Мен бир рақамни асло унута олмайман. Менимча, совет кишилари бу рақамни унутолмайдилар ва унутмасликлари керак. 1 миллион 87 минг 122. Шунча совет жангчиси Ватанимиз озодлиги йўлида, Европа халқлари озодлиги йўлида жон фидо қилган ва улар ҳорижий мамлакатлар ерига дафн этилган. Улар ва Ватанимиз учун ҳалок бўлган бошқа жангчилар ғалаба кунигачаё яшай олмадилар. Лекин биз, тириклар, улардан абадий қарздормиз. Уларнинг хотираси олдида бош эгинглар, азизлар!

16-армия қисмлари апрель тонгида Финовфурт шаҳрига кириб келди. Биноларга оқ чойшаблар, сочиқлар, оқ матолар осиб қўйилган. Улар капитуляция тимсоли. Гитлер пропагандасига учган аҳоли шаҳрни ташлаб чиқиб кетган. Уйлар ҳамон ёнмоқда, тутун бурқсийди. Юз келганини, ҳеч нарсадан қўрқмай уйларига қайтишлари мумкинлигини тушунтирдим. Лекин улар дарҳол ишона қолишмади. Бизни ҳам қасос олади деб ўйлашди.

Уруш биз учун кўп ғамгусса ва азоб-уқубат келтирди. Гитлерчилар асир олинган аскарларга, тинч аҳолига ваҳшийлик қилишди. Биз Германияга Москва ва Сталинграддан келдик, қалбимизда азоб ва нафрат билан келдик. Ғалаба биз учун жуда қимматга тушди. Фронтга кетган ҳар тўққиз совет кишисидан бири жанг майдонидан келмади ёки мажруҳ бўлиб қайтди. Мен ҳам туғишган биродарларимдан, қариндош-уруғларимдан, дўстларимдан ажралганман. Биз Гитлернинг «Москва ўрнида катта денгиз вужудга келиши керак» деган буйруғини унутганимиз йўқ эди. Фашистлар Германияси чегарасидан ўтаётиб, фашистларнинг совет еридаги ҳамма ваҳшийликлари учун душмандан қасос олишга қасам ичганмиз. Мана, энди биз Германиядамиз. Лекин бизнинг мақсадимиз Германия халқини эмас, балки Германия милитаризмини яксон қилиш эди, фашизмни мажақлаб ташлаш эди. Совет солдати қасос туйғусини унутмаган. Лекин унда ақлфаросат устун эди, совет кишиларининг инсонпарварлиги устун эди. Гуманизм совет солдатининг қон-қонига сингиб кетган эди. Шунинг учун ҳам Армиямиз гуманизм ва инсонийлик учун бўлган бу синовдан шараф билан чиқди. Қонли урушни бошлаган ва 20 миллион оталаримизни, оналаримизни, ака-укаларимизни, опа-сингилларимизни қириб ташлаган мамлакат аҳолиси биздан бундай инсонпарварликни кутмаган эди.

Бизнинг авлодимиз 1945 йил 14 апрелда «Правда» газетасида босилган мақолани унутгани йўқ: «Турли немислар ўзларини турлича тутмоқдалар... Қизил Армия ўзининг тарихий халоскорлик миссиясини бажаряпти. Гитлер давлатини тугатиш учун, Гитлер ҳукуматини тугатиш учун жанг олиб бормоқда, у немис халқини қириб ташлашни ҳеч қачон мақсад қилиб қўйган эмас...»

Совет жангчиларининг гуманизми, уларнинг Германия территориясида ўзларини қандай тутганликлари Геббельс пропагандасининг «Большевикларнинг ваҳшийлиги» тўғрисидаги туҳматларини фош қилиб ташлади. Европа халқи Қизил Армия ҳалоскор армия сифатида келганига ишонч ҳосил қилди.

Комендатурамиз тинч ишлар билан шуғуллана бошлади. Ҳамма фашист ташкилотлари тарқатиб юборилгани ҳақида буйруқ чиқарилди. Немис ватанпарварлари ёрдамида гестапочиларни, эсэсчиларни қамоққа олдик. Шаҳарда тегирмон ишга тушириди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш йўлга қўйилди, коммунал хўжалиги тиклана бошлади. Аҳолининг бизга ишончи орта борди. Қоп кўтарган, аравача судраган одамлар шаҳарга қайтиб кела бошлади...

Йиллар ўтаверади. Лекин инсоният Европа халқинигина эмас, бутун дунё халқини гитлерчилар қуллигидан сақлаб қолган совет халқининг жанговар жасоратини асло унутмайди. Ленинчи коммунистлар партияси раҳбарлик қилган совет халқининг интернационал жасорати, халоскор совет солдатининг жасорати миннатдор халқлар қалбида абадий яшайди.

Н. ПОПОВ,
истеъфодаги майор.

ЁЗУВЧИ МИНБАРИ

ТИНЧ ЯШАШ БАХТИ УЧУН

Ҳозирги тезкор ҳаётимиз қонунларига кўра бу воқеа ўтмишга тааллуқли бўлмоғи керак. Чунки бу воқеа ҳаёлимиздагина гўё кеча бўлиб ўтгандек, календарга қарагинимизда эса, айтишга осон — 35 йил ўтиб кетган. Бугунги кунда бепоён заминимиздаги сон-саноқсиз сўнмас олов, улуғвор ёдгорликлар ва камтар обелисклар ёнига тантана билан гул қўяётган октябрятлар Улуғ Ватан уруши солдатларининг невара ва эвараларидир.

Ҳа, вақт кутиб турмайди. Шунга қарамай Ғалаба куни ғоят бугунги байрамдир ва шундай бўлиб қолади. Чунки у ҳозирги авлод совет кишиларининг ва бўлажак авлодларнинг қалбида яшамоқда ва абадий яшайди, чунки у халқ хотираси бўлиб қолди. Халқ хотираси эса асрлар, минг йиллар ўтганда ҳам унутилмайди.

Тарихимиз душманлар устидан қозонилган ғалаба билан шонлидир. Биз Чуд кўлидаги жангни унутмаймиз. Куликов майдонидаги жангнинг 600 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқдамиз, 1812 йил Ватан уруши ҳам ёдимизда... Лекин у буюк ғалабалар бир мамлакатни сақлаб қолган эди, 35 йиллигини биз нишонлаётган Ғалаба эса бутун бир дунёни фашизм вабосидан сақлаб қолди, бутун инсоният келажагини ҳимоя қилди.

Улуғ Ватан уруши илгари бўлганларидаги каби турли давлатларнинг рақобати эмас эди. Бу энг аввало икки дунёнинг, икки социал системанинг рақобати эди. Гитлерчилар мамлакатимизга «ҳаётий кенглик»ни босиб олиш, эркин кишиларни талаш ва қул қилиш учунгина бостириб кирмадилар. Улар биринчи навбатда империализмнинг «синфий буюртмаси»ни бажардилар — Октябрда туғилган ёш ва гўзал социализм дунёсини вайрон этиш, топтаб юборишга уриндилар. Лекин қўлларидан келмади! Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқининг ғалабаси мамлакатимизнинг иқтисодий ва сиёсий негизларининг чинакам енгилмас қудратини, совет халқининг мислсиз жиплигини бутун дунёга намойиш қилди.

Ўз интернационал бурчига содиқ бўлган совет солдати ўз Ватани озодлигини ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга Европа ва Осиёда улуғ халоскорлик миссиясини ҳам бажарди. Ғалаба туфайли қардош социализм мамлакатлари ҳамдўстлиги вужудга келди.

Мамлакатимиз узра 35 йилдан буён тинчлик қуёши нур сочмоқда, устимизда булутсиз бахтли осмон. Лекин планетамизнинг ҳамма жойида ҳам хотиржамлик деб бўлмайди. Гоҳ Вьетнамда, гоҳ Ливанда уруш алангаси кўринмоқда, гоҳ Чилида, гоҳ Сальвадорда инсон қони тўкилмоқда. Урушларсиз дунё ёқмайдиган, тарихни орқага буришга уринувчи кучлар бор.

Ҳа, кимлардир уруш сабоқларини унутиб қўйди. Кимлардир дунё харитасини ўзгартиришга тайёр. Шуниси аламлики, манфур фашизмга қарши курашда иттифоқчимиз бўлган АҚШ ҳозирги кунда энг агрессив кучларнинг тимсоли бўлиб қолди.

Қўшма Штатларнинг сиёсатини эндиликда одамлар «калхатлар» деб атаган шахслар белгиламоқдалар. Улар ҳарбий саноат комплексининг иродасига бўйсуниб, ҳарбий васвасани авж олдирмоқдалар, жаҳондаги тинчликсевар кучларга қарши, биринчи навбатда бизнинг мамлакатимизга қарши, иккинчи жаҳон уруши асосий оғирликларини ўз зиммасига олган ва инсоният учун фашизм устидан ғалабани таъминлаган халқимизга қарши туҳмат ва дўқ-пўписа қилмоқдалар.

1980 йил баҳори келди. Бошқа баҳорлар каби бу баҳорни ҳам меҳнат аҳли умид ва қувонч билан кутган эди. Чунки баҳорда табиат қиш уйқусидан уйғонади, баҳорда ерга уруғ сепилади, баҳорда ҳосил ва тўқ ҳаёт учун умид уруғи сочилади. Лекин бу йил баҳор ўз кучини намойиш қилишга шошилмади. Баҳорнинг келишини Форс қўлтиғидаги Америка авианосецлари тўхтатиб қолмадимикин? Қиш совуқларининг қайтиб келишига ўлим келтирувчи газ солинган граналарнинг Пенсильваниядан жафокаш Афғонистон тоғларига келганлиги ёрдам бермадимикан?

Аммо инсоният жамияти тараққиёти қонунлари каби табиат қонунлари ҳам ўзгармасдир. Кечикса ҳам, оддий нормадан чекинса ҳам, барибир баҳор келади. Шу маъно заминга шонли баҳор байрами — Ғалаба куни ҳам келди. Бу Ғалаба кунини инсоният ўттиз бешинчи марта нишонламоқда.

Халоскор халқимиз партиямиз, улуғ Ленин партияси, унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети планетамиздаги кишилар бахти учун мумкин бўлган ҳамма ишларни қилмоқдалар, эртанги кунимиз тинч бўлиши учун хотиржамлик ва қатъият билан, равшан ва доно сўз билан ишонч бағишламоқдалар.

Юрий ЗБАНАЦКИЙ,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

Собиқ жангчилар йиғини

Буюк Ғалабанинг 35 йиллиги арафасида Улуғ Ватан уруши ветеранлари Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг кўркам боғига тўпландилар. Район партия комитети, район ижроия комитети ва район ҳарбий комиссариатининг ташаббуси билан бу ерда Ғалаба куни шарафига уч авлод учрашуви ўтказилди.

Оржоникидзе район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Т. Ортиқхўжаев Улуғ Ватан уруши ветеранларига ғамхўрлик ва уларга берилаётган ёрдам ҳақида қисқача гапириб, тўпланганларни буюк Ғалабанинг 35 йиллиги билан табриклади.

Учрашувда район партия комитетининг секретари В. Лозицкий совет халқининг герман фашизми устидан қозонган ғалабасининг 35 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Учрашув қатнашчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ғулом Каримов, район ҳарбий комиссари, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси Қ. Бақоев, уруш ветеранларидан Ф. Ольшанский, О. Маъдиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Қизил Ўзбекистон» колхози правлениеси раиси М. Убайдуллаева, район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Усмонов ва бошқаларнинг сўзларини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Пионерлар уруш ветеранларига гулдасталар тақдим қилишди.

О. ИСКАНДАРОВ.

Суратда: учрашув қатнашчилари — Улуғ Ватан уруши ветеранларидан бир группаси.

А. Тўраев фотоси.

РЕЙХСТАГ ОСТОНАЛАРИДА...

Наманган области шаҳар ва қишлоқларидаги айрим хонадонларнинг дарвозасида «Бу ерда Улуғ Ватан уруши қатнашчиси яшайди», «Бу ерда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кишининг оиласи яшайди» деган ёзувли байроқсимон қизил тахтачалар пайдо бўлди.

Шаҳарнинг Байналминал маҳалласи. Бу ерда азим чинорлар соя ташлаб турган хонадонларнинг бирида Каримжон Исоқов истиқомат қилади. У Рейхстагни забт этганлардан бири. Қизил Байроқ, Шуҳрат орденлари кавалери. Фашизм ўлсин! яксон қилишда қатнашиб, Олий Бош қўмондонининг иккинчи марта ташаккурномаси, маршал Жуковнинг раҳматномасига сазовор бўлган.

Каримжон Исоқов хотираларини ҳикоя қиларкан, беихтиёр бир суратни қўлга олди. Унда ўқ ва снарядлар тутунидан қорайган Рейхстаг узра ғалаба байроғини ўрнатган II даражали Кутузов орденли 150-ўқчи дивизиянинг 674-ўқчи полки бир группа офицерлари турарди. Сурат дивизия Рейхстагни эгаллаган дақиқаларда олинган эди. Улар орасида ҳарбий гимнастёркаси ўзига ярашиб турган, бошига пилотка қўндирилган, қувноқ Каримжон Исоқовни таниб олиш жуда осон. Бундай хаяжонли дақиқалар инсон ҳаётида сира такрорланмайди. У китоб жавонидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-полковник В. М. Шатиловнинг «Рейхстаг устида байроқ» китобини олиб кўрсатди. Унга автор шундай дастхат ёзиб қолдирганди:

«Рейхстагга қилинган штурм қатнашчиси Каримжон Исоқовга!

Сен иккинчи рота сафида жанг қилдинг ва Рейхстагга депутатлар йўли томонидан биринчи бўлиб бостириб кирдинглар. Сизларнинг жасурликларингиз ва қаҳрамонликларингиз туфайли Рейхстаг устида Ғалаба байроғи қилпирай бошлади. Сенинг номингни халқимиз ҳеч қачон унутмайди».

Рейхстаг остоналарида бўлган қонли жанглар Каримжон Исоқов кўз ўнгидан сира кетмайди. Биргина Гитлернинг қароргоҳида салкам икки минг фашист подвалда шайланиб турганди. Каримжон Исоқов ва унинг дўстларига бу ердаги ҳамма йўлларни беркитиб, фашистларни ташқарига қўймаслик ва шу ернинг ўзидаёқ яксон қилиб ташлаш ҳақида буйруқ берилди. Бу жанговар топшириқ шараф билан бажарилди. Эндиги навбат Гитлернинг қароргоҳини штурм қилиш эди. Душман ҳар бир бино, ҳар бир қават, ҳар бир дераза, тешик-тешикка жойлашиб олгани учун жуда қаттиқ жанг қилишга тўғри келди. Бино қаватлари, деразаларига ўрнатилган миномёт ва тўпларни ёриб ўтиш лозим эди. Ҳар икки томондан жуда кўп талафотлар кўрилди. Ниҳоят, Гитлернинг қароргоҳидаги 5 минг немис солдати ва офицерларидан 1300 киши асир қилинди ва қолганлари қириб ташланди...

Косонсой районидаги Қуйбишев номли колхозда истиқомат қилаётган Абдураҳим Раҳимов эса Улуғ Ватан урушида ажойиб рус ўғлони Александр Матросов билан бир полкда хизмат қилган. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Матросов жасоратининг жонли шоҳиди бўлган.

Умуман фашистларга қарши жангларда 5045 косонсойлик ўғлон қатнашди. Ўшалардан 2613 нафари ўз юртларига қайтишмади. Бугунги кунда уларнинг хотирасига 10 жойда Жанговар шоншуҳрати уй-музейлари ташкил этилган.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

„КИЧИК ЕР“ БАЙРОҚДОРИ

Барот Ражабов уруш бошланганлиги ҳақидаги хабарни 22 июнь тонг отарида эшитди. Кавалерия дивизиясининг командири полковник Азимин билан дивизия комиссари полковник Хомутовлар тревога билан оёққа қалққан кавалериячилар олдида қисқа ва лўнда гапириб, фашистлар Германияси мамлакатимиз чегараларини бузиб ўтишганини маълум қилишаркан, шу дақиқаларнинг ўзидаёқ Еревандан фронт томонга йўл олишни айтишди.

...Дивизия мудофаа жанглари олиб борар, ҳар куни неча марталаб фашистлар ҳужумини қайтаришга тўғри келарди.

Пальчик мудофааси учун олиб борилган жангларда у ўзининг тоқиқирлиги, энг оғир вазиятларда ҳам қатъий дадил ҳаракат қилиб, қўмондонлик топшириғини адо этишга интилиш каби фазилатларини кўрсатди. Худди ўша кунларда қисм командири саф олдида унинг кўкрисига «Жанговар хизматлари учун» медалини тақиб қўйган эди.

Кейинроқ Барот Ражабов хизмат қилган қисм 18-армия составида машҳур «Кичик ер» учун жанг қилди...

«Кичик ер»нинг бу участкасида душман мудофаасининг олдинги марралари емириб ташланиб, фашистлар бир мунча ичкарига қисиб борилган эди. Энди кечувдан кетма-кет мадад келиб турарди. Тонг отарга яқин Ражабовлар қисми қандайдир бир жарлик орасига мустаҳкам жойлашиб олди. Ғарғоналик йигит деярли уч ой давомида ҳар куни неча марталаб жаханнамга айланиб кетадиган мана шу жойда гитлерчиларга қарши жанг қилди. Энди у дивизиянинг автоматчиси сифатида фашистлар атакасини қайтарар, сафдошлари билан қарши атакаларга кўтарилар эди. 1943 йилнинг мартида шу жарликда у бир гурух гвардиячилар қатори Ленин партияси сафига қабул қилинди. Шу воқеадан кейин оралан кўп ўтмай, подполковник Еременко уни ўз ер тўласига чақиртирди.

—Гап бундай, Барот, қўмондонлик топшириғига кўра, сен бугундан бошлаб дивизион байроқдорисан. Байроқдор! Табриклайман! — Унинг қўлларини маҳкам қисди полковник.

Етти ухлаб тушига ҳам кирмаган бундай вазифа, бундай катта ишончдан Ражабовнинг дили қалқиб кетди. У қаддини гоз тутиб:

—Совет Иттифоқига хизмат қиламан! — деди.

«Кичик ер» фашистларга қарши сўнгги, қақшатқич зарбалар беришга чоғланмоқда эди. Ватанимизнинг кичик бир парчасида жон олиб, жон берааётган минглаб, ўн минглаб фидойи жангчилар орасида байроқдор Барот Ражабов ҳам бор эди.

1943 йил март кунларининг бирида ниҳоят у ҳаяжон билан кутган дақиқалар етиб келди. «Катюша»ларимиз тўплар, миномётлар душман позицияларини ағдон «туйғач», қарши ҳужумга ўтилди. Худди шу дақиқаларда «Байроқ гилофдан чиқарилсин!» деган команда янгради.

Ўша куни ҳужум жанглари муваффақиятли бўлди. Ражабов кўтариб олган байроқ «катюша»ларимиз даббада қилиб юборган душман позициялари устида, гоҳо эса қўл жанглари авж олган тала-тўполонлар олдида пайдо бўлиб қоларди. Байроқ остидаги жангчилар бамисоли пўлат оқимдек душман истеҳкомларини емириб-янчиб илгарилаб борардилар. Шуниси қизиқки байроқдор Барот Ражабов ана шундай ҳужум жангларида «ўқ ўтмас» деган ном олди. Бунга сабаб шуки, — дейди унинг ўзи ўша воқеаларни хотирлаб, — «Кичик ер»да қаршу ҳужумларда беш марта байроқ кўтариб янгига кирган бўлсам, ярадор бўлиш у ёқда турсин, ҳатто бирор ерим тириалгани ҳам йўқ. Бунга ҳозирга қадар ўзим ҳам ҳайрон қоламан».

«Кичик ер» байроқдори шундан кейин 1944 йил февралида Феодосияни, 1944 йилнинг майида эса Севастополь ҳамла Қримни фашист босқинчиларидан узил-кесил озод қилиш учун бўлган жангларда жасорат кўрсатди.

Қрим немис-фашистлардан тозаланиб бўлингач, 1944 йилнинг октябрида гвардиячи старший сержант Барот Ражабов хизмат қилаётган миномёт дивизиони 29-алоҳида оғир миномёт бригадаси ихтиёрига ўтди. Олий бош қўмондонлик резерви ҳисобланган бригада учинчи Белоруссия фронти составида жанг қилиб, фашистларни Советлар юрти сарҳадларидан қувиб чиқариб, Жанубий Пруссия тупроғига биринчилар қатори ёриб кирди.

Интиқом соатлари яқинлашаётганини сезган фашистлар энди ҳар қачонгидан ҳам қутириб кетишган эди. Германия тупроғига қадам қўйгаилари ҳамоно гвардиячи Ражабов буни яхши сезган эди. Фашист қўмондонлиги бирор қадам ҳам орқага чекинш йўқ, деб буйруқ берган эди. 1944 йил октябридаги ҳужум жангларининг бирида Ражабов чап оёғидан яраланди. Этиги қўнжидан қон сизиб турган старший сержант жангдан чиқишни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, у ўз бўлинмаси билан шиддатли ҳужумни давом эттириб, душман қаршилигини синдиришга, уни олдинги маррадан суриб чиқаришга эришди. Ана шу жасорати учун қисм командири гвардиячи старший сержантнинг кўкрагига Қизил Юлдуз орденини тақиб қўйган эди.

Фашистлар устидан ғалаба қозонилгандан сўнг Барот Ражабов она юртига қайтиб келди. Қилич, байроқ, автомат тутган қўллар яна кетмон дастасига тегди. Шу-шу собиқ гвардиячи ҳали ҳозиргача қадар меҳнат фронтининг олдинги сафларида. У Қувасой шаҳрининг шундоқгина биқинидаги «Мўйна» боғдорчилик совхозининг пешқадам соҳибкорларидан. Гвардиячилар пенсияга чиқмайди, деб қўйди у баъзан ҳазиллашиб.

Охунжон ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

И. БРОЗ ТИТОНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

БЕЛГРАД. 8 май. (ТАСС). Бутун Югославия ЮСФР Президенти, ЮКС Раиси Иосип Броз Титони сўнгги йўлга кузатиб қўйди. Югославия халкларининг атоқли раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобини дафн этиш маросимида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси ҳозир бўлди, мотам маросимида, шунингдек БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар, ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, КМП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХДР Президенти Ким Ир Сен, ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек, РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, МХР Министрлар Советининг Раиси Ж. Батмунх, ВСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари Хюнвб Тан Фат, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Карлос Рафаэль Родригес иштирок этдилар.

ФКП Бош секретари Ж. Марше, Финляндия Президенти У. Кекконен, Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди, Сурия Президенти Х. Асад, Социалистик Эфиопия Муваққат ҳарбий-маъмурий кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам, ЖХДР Президенти Б. Шадли, АДР Революцион Кенгаши Президиумининг аъзоси, Бош министри ўринбосари Султонали Кештманд ҳам шу ерда эдилар. Дафн маросимида Франция, Италия, ГФР, Англия, АҚШ, ХХР ва бошқа мамлакатларнинг таниқли давлат арбоблари қатнашдилар.

И. Броз Тито жасади солинган ва ЮСФР давлат байроғи билан ёпилган тобут мотам оҳанглари остида ЮСФР скупшчинаси биносидан олиб чиқилиб, тўп лафетига ўрнатилади. Артиллерия салютининг садолари гумбирлайди. ЮСФРнинг давлат гимни янграйди.

Мотам маросими қатнашчилари Белграднинг ўн минглаб меҳнаткашлари, Югославиядаги барча республикаларнинг кўпдан кўп вакиллари билан лиқ тўлган шаҳар кўчалари бўйлаб оҳиста ўтиб боради. Шаҳар мотам либосида: давлат ва партия байроқлари эгиб қўйилган.

ЮКС Марказий Комитети Президиумига раислик қилувчи С. Дороньский ва ЮСФР Президиумининг Раиси Л. Колишевский мотам митингида нутқ сўзлаб, И. Броз Титонинг хизматларини таъкидладилар.

Яна артиллерия салютининг садолари гумбирлайди. Тобут «Интернационал» оҳанглари остида қабрга қўйилади.

И. Броз Тито пойтахтнинг Дедине районида, у яшаган уй яқинида дафн этилди.

ЖАНГЧИ ШОИР ИЖОДИДАН

Зоҳиджон ОБИДОВ.

ҚАДАҲ

Давра дилкаш, шодиёна букун.
Кўзлар кўзга шавқ этар иньом.
Чеҳралар май тафтидан гулгун,
Диллар дилга бахш этар илҳом.

Бир-бирига бахт тилар дўстлар,
Қадаҳларга тўлдириб шароб.
Мунча мунис бу ширин тостлар,
Юракларда балқитар офтоб.

Келди шавқим авжига фурсат,
Сўз олмасам бўлгуси армон.
Доно соқий кўрсатиб ҳиммат,
Навбатни бер дилда шавқ уммон.

Юлдузларнинг чаманин чўғлаб
Ҳар кеч чарақласин деб осмон,
Мусаффо тонг қуёш қучоқлаб
Қаршимизга чиқсин деб ҳар он —

Навбат беринг, айтайин алёр,
Шу давроннинг шукронасига.
Тароналар қўшайлик бу бор
Юртнинг жўшқин таронасига...

Бўлмасин ҳеч дил ўртар ҳижрон,
Эгилмасин дея ғамдан бош.
Висол бахти бўлиб ҳукмрон,
Қувнайверсин дея кекса-ёш.

Лутф этайин жўшиб табассум,
Дилларга қўр сочаверсин деб.
Ясан-тусан келиндек маъсум,
Кўклам кўркин очаверсин деб, —

Беринг навбат, баҳрим яйратиб,
Изҳори дил айтайин масрур.
Созанда соз чертсин сайратиб,
Қалб сўзига этмоқ учун жўр.

Давра файзи — шавқидан чунон
Туйғуларим торлари башанг.
Қалбга сиғмай кетди ҳаяжон,
Қадаҳлардан янграсин жаранг.

Бўлсин яна мунаввар олам,
Қуёш кулиб турмоғи учун.
Меҳрин тўкиб одамга одам
Мудом иноқ юрмоғи учун.

Яшасин деб муҳаббат, вафо
Қадаҳларни чўқиштирайлик.
Эркаласин деб дилни сафо
Қайта қадаҳ тўлдиришайлик.

Гўдакларнинг тинчлиқ, бегубор
Келаҳаҳаси бўлаверсин мўл.
Тинчлик учун айтайлик алёр
Тинчлик йўли бўлсин ойдин йўл.

ҒУСЛИК ДЎСТЛАР

Ҳусния Шоимова, Ҳақберди Бекбоев, Облоёр Ражабов ва Эргаш Суюнов Ғус қишлоғига ҳурсанд бўлиб қайтишарди. Улар бир кунда комсомол сафига ўтишган, бир кунда қўлларига комсомол билетини олишган эди. Тоғдан тушиб келган ёш комсомолларни қишлоқ сукунат билан қарши олди. Қишлоқ Совети олдида хамма радио орқали Москвадан берилаётган хабарни тинглар, уруш бошланган эди...

Облоёр артиллерия қисмига тушди. Ҳақберди эса пулемётчиликка тайинланди. Бекбоев жанг қилаётган қисм Севастополни ҳимоя қиларди. Жанг куну тун давом этарди. Фашистлар 2 та танк панасида ҳужумга ўтиб, совет автоматчиларини қисиб қўйишди. Танклар ёндириб юборилса-да, пиёдаларни тўхтатиш қийин эди. Фашистлар кетма-кет ҳужум қилиб келишарди. Взвод оғир аҳволда қолди. Бекбоев ўз пулемёти билан олдинроққа, қулай жойга ўтди. Командир «Ҳақберди, бўш келма!» деб қичқирди-ю, мина парчаси тегиб ҳалок бўлди.

— Бўш келмаймаи! — деб қичқирди Бекбоев пулемётга янги диск ўрнатаётиб. Шу пайт елкасига ўқ тегди. Лекин у бош кўтармай ётган фашистлар яна ҳужумга ўтишларига йўл қўймаслик учун пулемётини тўхтовсиз сайратарди. Биқинига граната парчаси санчилди. Шунда ҳам Ҳақберди бўш келмади. Ёрдам етиб келгунга қадар отишни тўхтатмади.

У госпиталда ҳушига келиб, кўзини очди-ю, Эргаш Суюновни кўрди. Зенит батареясида жанг қилаётган Эргаш енгил яradор бўлган эди.

Тунда яradорларни эвакуация қилишди. Кема чироқларини ёқмай денгизга чиқди. Палубалар, каюталар тўла яradор эди. Тонг пайтида кема Кавказ соҳилига яқинлашди. Худди шу пайт фашист бомбардимончи самолётлари пайдо бўлди. Бомбаларнинг портлаши, зенит тўпларининг гумбирлаши, яradорларнинг инграши қўшилиб кетди. Эргаш кемани ҳимоя қилиб, зенит тўпидан тўхтовсиз ўт очарди. Мана, самолётлардан бири аланга ичида қолди ва денгизга қулади. Қирувчи самолётларимиз етиб келди. Шу тариқа яradорлар сақлаб қолинди. Лекин Эргаш оғир яradор бўлган эди.

— Эсингдами, қишлоғимиз гўзал бўлишини орзу қиларди, — деди Эргаш ҳолсизликдан пичирлаб.

— Албатта, эсимда, — Ҳақберди нинг томоғига нимадир тиқилгандек бўлди.— Урушни тугатсак, қишлоғимизни ўзимиз бошлаймиз. Тезроқ тузал.

— Йўқ, мен энди қишлоғимни кўролмайман, — деб шивирлади Эргаш. — Уйга қайтсанг, мени яхши жанг қилди деб айт...

Суюновни кейинчалик «Кичик ер» деб аталган жойга, биродарлик мозорига дафн этишди.

Облоёр Ражабов жангу жадалларда чинакам артиллерияچи бўлиб етишди. Сталинград жангларидаги мардлиги учун Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. Ўша ерда яradор бўлди. Ражабов госпиталдан чиққач, ўз батареясини Харьков шаҳрида топди. Совет Армияси энди тўхтовсиз ҳужум қилиб борарди. Белгород яқинида новча бир йигит танишдек туюлди. Яқинроқ бориб Ҳақберди Бекбоевни таниб қолди. Иккаласи қучоқлаб кўришишди, лекин сухбатлашишга вақт йўқ. Батарея янги позицияга кўчаётган эди.

— Ургутда учрашамиз! — дейишди улар бир-бирига.

Эрта тонгда замбаракларнинг гумбурлаши тинчликни бузиб Курск ёнида жанг бошланганидан дарак берди. Бу ердаги жанг кўпин кўрган солдатлар учун ҳам катта синов бўлди. Тўп командири ҳалок бўлди. Ўқловчи оғир яradор бўлди. Облоёр бир ўзи тўпни ўқлаб, нишонга олар ва ўқ узарди...

Ҳақберди эса 1-Украина фронтида жанг қиларди. Бир куни Днепрнинг ғарбида қўчи взвод оғир аҳволда қолди. Солдатлар орқага чекинишни ўйлай бошлади. Ҳақбердининг пулемёти ҳам жим бўлиб қолди. Ўқ тугаган эди.

— Рус, таслим бўл! — деб қичқиришди гитлерчилар.

— Сенга русни ҳам, ўзбекни ҳам кўрсатиб қўяман! — деб қичқирди Ҳақберди ғазаб билан ва граната улоқтирди. Сўнг даст кўтарилиб, ҳужумга ўтди. Солдатлар унинг орқасидан ташландилар. Фашистлар турган блиндаж қўлга олинди.

Ниҳоят давлат чегарасига етиб боришди. Руминия, Болгария. Озод қилинган қишлаб билан қувончли учрашувлар. Ғалаба кунини Бекбоев Варна шаҳрида, Облоёр эса Австрия пойтахти Венада кутиб олишди.

Ғус қишлоғидан фронтга кетган 300 йигитдан 240 киши қайтиб келмади. Лекин Ватан озодлиги учун жангу жадалларда омон қайтган фронтчилар, уларнинг фарзандлари, бутун Ғус ҳалок бўлганлар хотирасини унутмайди.

— Эргаш Суюнов тирик бўлганда хозирги фаровон ҳаётимизни кўриб нақадар хурсанд бўларди, — дейди «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош агрономи Ҳақберди Бекбоев 8-мактаб директори Облоёр Ражабовга.

П. БОБИКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларига биноан капитал қурилишни ривожлантиришдаги хизматлари ва Тошкент шаҳридаги телевизион марказ аппаратстудия комплекси қурилишида фаол қатнашганлиги учун «Ўзэлектромонтаж» трестига қарашли Тошкентдаги 2-бошқарма электр монтажчилар бригадири Иван Харитонович **Битюков**, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети қурилиши бирлашган дирекциясининг директори Иброҳим Абдуллахўжаевич **Мусабоев**, 11-«Висотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси Вил Мусагитович **Гарнпов** ўртоқларга **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган** винокор фахрий унвони берилди.

Қурилиш ташкилотлари ходимларидан бир группаси меҳнат муваффақиятларига эришганлиги ва Тошкент шаҳрида телевизион марказ аппаратстудия комплекси қурилишида фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Сталинград жанги қаҳрамонларининг ўлмас жасоратига Мамаев қўрғонда қад кўтарган ёдгорлик ансамбли одамлар билан гавжум. Улар Сталинград жанги қаҳрамонларини хотирлаш учун бу ерга келмоқдалар. Она-Ватан ёдгорлиги пойига гулдасталар, гулчамбарлар қўймоқдалар.

Суратда: Сталинград жанги қаҳрамонлари хотирасига ўрнатилган Она-Ватан ёдгорлик ансамбли.

Ю. Набатов фотоси. ТАСС фотохроникаси.

СИЁСИЙ ХОДИМ

Уруш бошланганда Қосим хизмат қилаётган қисм Ленинградда эди. 1941 йил кузида ёш офицер зарбдор батареяга сиёсий раҳбар қилиб тайинланди. Луга станцияси остонасида у биринчи бор жангга кирди. Сиёсий раҳбар командир буйруғи бажарилишини таъминлашга ёрдам берадиган, жангчиларни тарбиялайдиган, руҳлантирадиган ходим эканлиги маълум. Қосим чарчаш нималигини билмай ёш жангчиларга ҳарбий маҳоратни ўргатар, қисқа муддатли дам олиш пайтларида жангчиларнинг дам олишлари, снарядлар, ўқлар келтирилиши тўғрисида ғамхўрлик қилар, суҳбат ўтказар. Совет ахборот бюросининг энг янги ахборотлари билан таништириб борарди.

Бир куни қаттиқ жанг пайтида Қосим лейтенант Ҳачатурян командирлигидаги батареяда эди. Комиссар жангда шахсан ўзи иштирок этиб, жангчиларни руҳлантириб турди. Душманнинг бир неча бор ҳужуми қайтарилди. Батарея душманнинг бир неча танкини ёндириб юборди, кўплаб солдат ва офицерларини кириб ташлади.

Жангларда тажриба ортгирган Қосим 55-ўқчи дивизиянинг 84-артиллерия полкига комиссар қилиб тайинланди. У кўп марта шахсан ўзи жангда қатнашди. Лекин Рамушев районида душман мудофаасини ёриб ўтиш ҳамма солдатлар каби Қосимга ҳам синов бўлди. Қисмларимиз ана шу ердан ёриб ўтишга кўп уринишар, лекин беҳуда кетарди. Ниҳоят 1943 йил бошида душманнинг истеҳкоми совет жангчилари мардлиги олдида таслим бўлди.

Олдинда эса Орёл, Минск, Мозирь шаҳарлари учун бўлажак жанглар турарди. Қосим ҳамма ишни бажаришга улгураг: жангчилар билан сиёсий суҳбат ўтказар, полк партия бюросининг мажлисида қатнашар, илгор жангчиларнинг партия сафига ўтиши учун тавсиянома ёзиб берарди. Қосим жанг билан Варшавагача борди. 1944 йилда майор Қосим Абдулхаевич Абайхонов соғлиги ёмонлашгани сабабли Ўрта Осиё ҳарбий округи ихтиёрига юборилди.

Сўнгги йилларда у Тошкентдаги Марказий универсал магазинининг катта коллективига бошчилик қилди. Бироқ собиқ жангчига буюк Ғалабанинг 35 йиллигини кўриш насиб этмади. Ватан озодлиги йўлида фидокорона жанг қилган ветеранлар хотираси абадийдир.

Е. МОРДУХАЕВ.

БЕЛОРУС ХАЛҚИ УНУТМАЙДИ

Белорус заминини фашист босқинчиларидан озод қилишда минглаб ўзбекистонликлар мардона жанг қилган. Уларнинг ҳаммаси СССР орден ва медаллари билан тақдирланган.

Қизил изтопарлар серқуёш ўзбекистонлик 32 қаҳрамон тўғрисида ҳужжатлар ва маълумотлар тўпладилар. Уларнинг ҳаммаси Белоруссия тупроғида жасорат кўрсатган. Шулардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиз. Жасур ўзбек фарзандлари катнашган воқеалар, исм-фамилиялар, географик жойларнинг номи ва бошқа фактларни аниқлашда қизил изтопарларга СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архиви ходимлари ёрдам берганлар.

...Плис Колгейдиевич Нурпеисов 1919 йилда Қорақалпоғистон АССРдаги Тахтакўпир овулида туғилди. 1939 йилда армия сафига чақирилиб, ҳарбий авиация мактабида ўқиган. 1943 йилдан бошлаб фашистларга қарши жангларда қатнашган.

Нурпеисов Ғарбий фронтда ва 3-Белоруссия фронтида Бош қўмондонликнинг резервидаги 47-гвардиячи разведкачи авиаполкда жанг қилди. Қўшинларимиз душманни Белоруссия тупроғидан ҳайдаб чиқараётганда фашистларнинг мудофаа линиясини кўп марта суратга олди. Жасур ҳаво разведкачиси душман позицияси томон учганда ҳамиша топшириқни мислсиз жасорат ва мардлик билан адо этарди. Шунинг учун у Қизил Байроқ, I даражали Ватан уруши орденлари, қатор жанговар медаллар билан мукофотланди.

Шарқий Пруссиядаги жангларда старший лейтенант Нурпеисов Кенигсберг, Тильзит ва бошқа районларда душман мудофаа линиясини 8 марта муваффақиятли суратга туширди. 1945 йил 23 апрелда Берлин устида разведка мақсадида парвоз қилиб, топшириқни бажараётганда унинг самолёти снаряддан ёниб кетди. Оғир яradор бўлган учувчи жанговар машинасини фашистлар техникаси тўпланиб турган жойга йўналтирди...

104 марта жанговар парвоз қилганлиги, ҳаво разведкаси вақтида мардлик ва жасорат кўрсатганлиги учун Нурпеисовга ўлимидан сўнг 1945 йил 18 августдаги Фармон билан Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

... Сиёблик Равшан Маҳмудов Днепр дарёси учун бўлган жангларда мислсиз жасорат кўрсатганда 18 яшар йигит эди. 1943 йил сентябрида Полесье области (ҳозир Гомель области)даги Каморинск районида комсомол аъзоси Маҳмудов биринчи марта жангга кирди ва абадий барҳаёт кишилар қаторидан жой олди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1944 йил 15 январдаги Фармони билан Самарқанд областининг Сиёб қишлоғида туғилиб ўсган Равшан Маҳмудовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Белоруссия пойтахти Минск шаҳрининг кўчаларидан бирига Ғулом Ёқубов номи қўйилган. Белоруссия учун бўлган жангларда андижонлик Ғулом Ёқубов командирлик қилган жангчилар фашистларга қирон келтирган.

1944 йил июнь ойида Могилёв области территориясида қўшинларимиз ҳужум жангларини давом эттирарди. 24 июнга ўтар кечаси старший лейтенант Ёқубов командирлик қилган автоматчилар ротаси душманнинг мудофаасини ёриб ўтиб, Лудчица қишлоғини эгаллади. Душман жангчилар йўлини тўсиш учун катта куч ташлади. Жасур командир бошчилигидаги рота 20 соат давомида душманнинг 40 марта қилган қарши ҳужумини қайтарди. Ана шу жангларда гитлерчиларнинг 425 нафар солдат ва офицери йўқ қилинди. Гитлерчилар янги резервларни ташладилар. Душман қуршовида қолган рота чекинмади, жангни давом эттирди. Коммунист Ёқубов оғир яradор бўлди. Ротага моҳирлик билан командирлик қилгани учун ва мислсиз жасорати учун Ғулом Ёқубовга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Белорус халқи қаҳрамонлар хотирасини муқаддас сақламоқда. Колхозлар, кўчалар, мактаблар, пионер дружиналари қаҳрамонлар номи билан аталган. Шаҳар ва қишлоқлардаги жуда кўп ёдгорликлар Белоруссия тупроғини озод этишда жасорат кўрсатган турли миллат фарзандлари хотирасини абадийлаштирган. Бу ёдгорликлар пойидан, қаҳрамонлар мозоридан гуллар аримайди.

Лекин энг муҳими шундаки, белорус халқи жасур йигитлар хотирасини қалбларида сақламоқдалар. Жасорат унутилмайди!

Е. ИВАНОВ,
қизил изтопарлар группасининг раҳбари.

ОЛОВЛИ ЙИЛЛАР САҲИФАЛАРИ

«Оиламиздагиларнинг ҳаммаси урушнинг биринчи кунларидан бошлаб Ватанни ҳимоя қилишда қатнашяпти. ВКП(б) аъзоси отам ўз ихтиёри билан фронтга жўнади ва 1942 йилги оғир жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Етти акам, икки опам бор, ҳаммаси Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси. Мен уларнинг жасорат билан, фидойилик билан жанг қилаётганидан фахрланаман. Танкчи акам Шукур Аҳмедов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муяссар бўлди. Оилада кенжаси мен. Ҳали ҳозирча бирор жиддий иш кўрсата олганим йўқ деб ҳисоблайман. Коммунист отам ва акаларим, опаларимга муносиб ворис бўлишга чин қалбдан ваъда бераман, то танда жон бор экан, Ватан амрини, партиям амрини бажо келтириш учун курашаман».

Бу дил сўзлари коммунист Турсунбой Аҳмедов ҳақида ҳаракатдаги армия дивизиясининг «Ворошиловчи» газетасида эълон қилинган очеркдан олинди. Ёвуз душманни Ватанимиз тупроғидан ҳайдаб чиқариб, қардош Чехословакияни озод этишдаги оғир жангларда жасурлик кўрсатган, қўмондонликнинг бир неча ташаккурномасини олган, жанговар Қизил Байроқ орденига сазовар бўлган ўзбек ўғлони ва унинг минг-мингларнинг юртдошларининг жанг майдонларидаги қаҳрамонлиги Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, ветеран журналист Тўлқин Рустамовнинг «Мангу жасорат»* деб номланган очерк, ҳикоя, лавҳалар китобида мароқ билан ҳикоя қилиб берилган.

Китобда Кичик ердаги мислсиз жасорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига муяссар бўлган рота командири Амирали Саидбеков, Руминия, Венгрия, Польшани фашизм асоратидан озод қилишда жонбозлик қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони Жуман Қорақулов, 18-армия қўшинлари составида армия сиёсий бошқармасининг бошлиғи Л. И. Брежнев таълимини олган Усмонали Тоғайназаров, Дадабой Сафаров, Шароф Шарипов, Берлин учун жангларда жасорат кўрсатган Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари батальон командири Шодмон Умаров, старший сержант Жўрахон Усмонов, Берлин остонасида олиб борилган жангларда фашизмнинг машъум юраги — Рейхстагга Ғалаба байроғи тикишга йўл очиб берган Холмат Жалолов, Қодир Раҳимов, Тожиали Бобоев сингари жасур фарзандларимизнинг қаҳрамонона ишлари шавқ-завқ ва маҳорат билан тасвирланган.

«Баҳор. Кичкина кема Волга бўйлаб сузмоқда. Улуғ дарёнинг беқиёс гўзал чиройи, лимиллаб оқаётган суви бизни мафтун қилар, сарвқад қарағайлар билан қопланган баланд қирғоқлари баҳри-дилни очарди. Гўё улкан ям-яшил ҳиёбон ичидаги ойна йўл устида сузиб бораётгандай сезамиз ўзимизни.

Кемада кўпчилик маҳаллий йўловчилар. Биз эса узоқ Ўзбекистондан келган меҳмонлар — уч кишимиз. Отпуска кундари бир вақтлар жанг қилган унутилмас жойларни, жанговар дўстларни кўриб келишга қарор этдик. Бунинг устига, фронт ҳаётининг қувончли ва қайғули кунларини бирга ўтказган дўстимиз бизни қизининг тўйига таклиф қилганди». Китобнинг сўнгги саҳифалари ана шундай якунланади. Бу ҳикояда довюрак рус ўғлони Николай Кузнецовнинг жанговар йўли ўтли сатрларда битилган.

Китоб муаллифи Тўлқин Рустамов янги тўплами билан ҳарбий ватанпарварлик адабиётимиз саҳифасига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Уруш ва меҳнат ветерани буюк Ғалабамизнинг 35 йиллигига тайёрлаган туҳфа кенг китобхонлар оммасига манзур бўлиши турган гап.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

*) Тўлқин Рустамов. Мангу жасорат. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти. 1980 йил.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 МАЙ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.15 — Москва мактабларининг ўқувчилари ижросида совет шоирларининг шеърлари. 10.45 — Қалбга яқин қўшиқлар. 11.20 — Ҳужжатли фильм. 12.15— Ўша узоқ ёзда. Бадиий фильм. 13.30 — Революцион қўшиқлар мавзуларида ёзилган фантазияни Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиосининг эстрада-симфоник оркестри ижро этади. 13.40 — Бугун — Ғалаба байрами. 13.55 — Фронтдош дўстлар клуби. 15.10 — Дунё воқеалари. 15.25 — Ер юзида ҳаёт тантанаси учун. 15.50 — Ҳужжатли фильм. 16.20 — Рассомлар — Совет Армиясига 16.40 — Ҳужжатли экран. 17.35 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 18.20 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 19.40 — П. И. Чайковский. 1-квартет. 20.15— Ҳалоскорлик. Киноэпопея. 21.30 — Время. 22.15 — Беш йилдан сўнг учрашув. 23.30 — Ҳужжатли фильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10— О. Хотамов ижросида ўзбек классик қўшиқлари. 10.50— Санъат ғунчалари. 11.25 — Фильм-концерт. 12.05 — Шеърият билан учрашув. Зоҳиджон Обидов. 12.35 — Кинопублицист экрани. 17.45— Фильм-концерт. 18.15 — Ғалаба байрамига бағишланган от спорти байрами. 19.00 — Ахборот. 19.20 — Москва. Фашизмга қарши курашда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 19.40 — Бугун — Ғалаба байрами. Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшиналарининг қўмондони генерал полковник Ю. Р. Максимов сўзи. 19.55 — Мардлик мадҳияси. 20.30 — Ахборот. 20.50— Мардлик мадҳиясининг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Беозор қариялар. Спектакль, 2-қисм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Ота-оналар учун консультация. 20.55 — Математика. 21.55 — Ҳужжатли фильм.

10 МАЙ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Зарядкага сафланинг. 10.15 — Будильник. 10.45 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.15 — Довюрак капитан. Бадиий фильм, 1-серия. 12.20 — Спортлото. 12.35 — Довюрак капитан. Бадиий фильм, 2-серия. 13.40 — Китоб безаклари Бутуниттифоқ кўргазмасидан репортаж. 14.10 — Ғалаба дастхатлари. 14.55 — Адресимиз Совет Иттифоқи. 15.30 — Янгиликлар. 15.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 16.40 — Қўшиқ инсон билан қолади. 17.30 — Мультфильм. 17.45 — Чехословакияни фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига бағишланган Чехословакия Социалистик Республикаси телевидениесининг программаси. 19.45 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский сўзи. 20.15 — Ғалаба куни. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо», Кўрсатув тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Концерт. 10.50 — Бойчечак. 11.20 — Спорт программаси. 11.50 — Пушчик Прагага боради. Бадиий фильм. 13.15 —Илк қадамлар. 17.00 — Ўзбекистон мактаб ўқувчилари XXVI Спартакиадасининг тантанали очилиши. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Концерт. 18.40 — Ешлик. 19.30 — Ахборот. 19.45— Театр учрашувлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.30 — Беором кун. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.35 — Душанба йўрсатувлари.

РАДИО

9 МАЙ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Тинчлик — менинг бахтим. 9.30 — Ғалаба ораторияси. 10.15 — Ветеранлар бугун ҳам сафда. 10.30 — Бугун Ғалаба байрами. 11.15 — С добрим утром. 12.00 — Ветеранлар ёзадилар. 13.00 — Меҳнатда ҳам қаҳрамон. 13.30 — Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Сизлар учун. 14.00 — Жангда ва меҳнатда. 15.30 — Ўзбек оммавий қўшиқлари. 16.10 — Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг талабларига биноан концерт. 17.10 — Ешлик. 18.15 — Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи қўмондонининг ўринбосари генерал майор Г. П. Стрельцов сўзи. 18.30 — Урушдан сўнг неч соат олтида. 19.20 — Фашизмга қарши жангда қурбон бўлганларнинг порлоқ хотираси. 19.40 — Келинг, гуллар қўйилик. 20.25 — Ер юзида тинчлик бўлсин. 21.00 — Бузилмас дўстлик боскичлари. 21.10 — Ғалаба байрами билан. 22.30 — Мардлик қўшиғи. 23.15 — Тинглаб, дам оламиз.

10 МАЙ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 9.30 — Ешлик. 10.25 — Гулшан. 11.30 — Ёш ижрочилар концерти. 12.30 — Катталарга болалар ҳақида. 13.00 — Беш йиллик қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30— Хатларингизни ўқиб. 16.10 — Талабаларга биноан концерт. 17.00 — Ўзбекистон мактаб ўқувчилари XXVI Спартакиадасининг тантанали очилиши. 18.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор». 18.45 — Партия ҳодими минбари. 19.45 — Чолғу куйлари. 20.25 — «Наво» вокал чолғу ансамблининг концерти. 21.00 — Абу Али Ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 21.15 — Концерт. 22.30 — Бобир лирикаси. 23.20 — Дам олиш концерти.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
13 май соат 15.00 да

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ

ПРОГРАММАДА:
Университет тарихи, унинг факультетлари, лабораториялари ва кафедралари билан танишув, етакчи олимлари ва университет раҳбарлари билан учрашув.

Адрес: Тошкент, Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Маданият саройи (10 «а», 28, 34, 38, 76, 87 «а», 88, 100 «а»-автобуслар, 7, 16-трамвайлар, 8-троллейбус, 4, 9, 12-маршрут таксилари билан бориш мумкин).

●

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ НАВОИЙ НОМЛИ 3-МАКТАБ
24 май соат 10.00 да
МАКТАБНИ 1960 ЙИЛДА БИТИРГАН СОБИҚ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН
УЧРАШУВ УТКАЗАДИ

●

СССР Алоқа министрлиги
ТОШКЕНТ АЛОҚА ПОЛИТЕХНИКУМИ
17 ва 24 май кунлари
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ
Мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари таклиф қилинади.

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «КУЗГА ҚУРИНМАС ОДАМ» фантастик-саргузаштли аттракциони иштирокида катта байрам томошалари (9, 10/V да 13.00, 16.00, 19.30 да, 11/V да 2.00, 16.00, 19.30 да).

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/V да Келинлар қўзғолони (12.00). Рўйхатларда йўқ (19.30). 10/V да Инжилоб тонги. 11/V да Қизил яйловдаги кўк тулпорлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/V да Байрам концерти (19.30). 10/V да Олифта. 11/V Ур, тўқмоқ (12.00). Тошкентнинг нозанин маликаси (19.30).

●

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
24 май ва 7 июнь соат 14.00 дан 16.00 гача
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ УТКАЗАДИ
Техникумда техника ижоди кўргазмаси ишламоқда.
Адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти коллективи Қашқадарё области бош травматологи ва махсус травматология шифохонаси бош врачи, медицина фанлари кандидати Т. Унгбоевга отаси
Унгбой ЭШОНҚУЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясы пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-71-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; вилоятлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-21-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-54; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-65; Жиззах — 31-66, Нашриёт диспетчери — 32-76-94, Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. 01977. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 107. 12